

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: info@uzas.uz 2014-yil 22-avgust • №34 (4277)

Ягонасан, муқаддас Ватаним,
севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Ўзбекистон – Хитой:

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи доирасида 20 август куни ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян билан учрашди.

Суҳбат чоғида Президент Ислом Каримовнинг ушбу ташрифи давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга хизмат қилиши, ўзаро стратегик шериклик муносабатларини изчил кенгайтиришга янги суръат бағишлаши қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Пекин музокаралари доирасида умумий қиймати 5,2 миллиард АҚШ долларига тенг лойиҳалар бўйича йигирмадан зиёд ҳужжат, шунингдек, 800 миллион доллар миқдорида савдо шартномалари имзоланган ва шу тариқа жами 6 миллиард долларлик келишувга эришилганини таъкидлади.

Ли Кэцян ташриф натижаларини юқори баҳолади ва Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан собитқадамлик билан давом этиб, мустақил тараққиётдан оғишмай юксак натижаларни қўлга киритаётганини қайд этди. Хитой Ўзбекистон билан бундан буён ҳам алоқаларни ўзаро ишонч, ҳурмат, тенглик ва манфаатдорлик, стратегик шериклик тамойиллари асосида ривожлантириб боришга тайёр эканини билдирди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорлик кўламини изчил кенгайтириш учун Ўзбекистон ҳам, Хитой ҳам юксак салоҳиятга эга экани, Президент Ислом Каримовнинг давлат ташрифи бу борада янги имкониятлар очгани алоҳида таъкидланди.

Томонлар олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов Шэньси провинциясидаги қадим Сиань шаҳрига ташриф буюрди.

Хитой марказидаги мазкур шаҳарнинг тарихи 3000 йилдан ошади. Айрим манбаларга қараганда, бир вақтлар у аҳоли сони ва ҳудуди жиҳатидан нафақат Чин юрти, балки бутун дунёдаги энг йирик шаҳар бўлган. Шу билан бирга, Хитой императорларининг ўн уч сулоласи даврида мамлакат пойтахти мақомини эгаллаган.

Буюк ипак йўлининг муҳим чорраҳаларидан бирида жойлашган ушбу шаҳар теграсида кўплаб қадимий мақбаралар, хусусан, император Цинь Шихуандининг терракота армияси билан бирга дафн қилинган мақбараси бор.

Президент Ислом Каримов Сианнинг қадимий обидалари билан танишувни терракота армияси музейидан бошлади. Бу ердаги саккиз мингдан зиёд аскар, гарчи сополдан бўлса-да, ҳақиқий жанговар отаравалари ва қурол-аслаҳалари билан ўз давринининг энг қудратли армиясини намоён этади. Улар 1974 йилги қазишма ишлари даврида эрамиздан аввалги 210-209 йилларда мамлакатни бирлаштирган император Цинь Шихуандининг мақбараси атрофидан топилган. 1987 йилда терракота армияси ЮНЕСКО томонидан Жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига киритилган.

Мамлакатимиз раҳбари музейнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат битди.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов Сианда қадимий шаҳар деворини кўздан кечирди.

Деворнинг асосий шарқий дарвозаси олдидаги майдонда энг ҳурматли меҳмонларга кўрсатиладиган иззат-икром ва ҳурмат-эҳтиром маросими ўтказилди – Ўзбекистон Президентига тантанали равишда Сиань шаҳрининг рамзий калити тақдим этилди.

Шаҳар тарихий қисмининг камарига айланган бу девор XV-XVII асрларда ҳукмронлик қилган Мин сулоласи даврида барпо этилган. Ўз даврида у ташқи томондан чуқур ҳандақлар билан ҳам ўралган ва мустаҳкам истеҳком вазифасини ўтаган. Муайян қисмларида барпо этилган қалъалар ташқарига чиқадиган кўприк билан жиҳозланган ва айни пайтда ишончли мудофаа иншооти бўлган.

Деворнинг яна бир ўзига хос жиҳати унинг ўлчамларидир. Бўйи 15, эни 12 метрга етадиган бу девор устидан қадимги даврнинг барча транспорт воситалари, оғир жанговар-техникавий аслаҳалари, катта миқдордаги жангчилар бемалол ҳаракатлана олган. Унинг туннеллари ва туйнуклари эса шаҳар мудофаа қудратини янада оширган.

Президент Ислом Каримов Сиань нафақат ўзининг бетимсол обидалари, балки юксалиб бораётган иқтисодий қудрати билан ҳақли равишда Хитойнинг энг диққатга сазовор шаҳарларидан бири эканини таъкидлади.

Шаҳарга ташриф асносида давлатимиз раҳбари Шэньси провинцияси партия қўмитаси котиби – Халқ вакиллари кенгаши раиси Чжао Чжэнюн ва провинция ҳокими Лоу Циньцзянь билан учрашди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Хитойга давлат ташрифи самарали кечаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон ва Хитойнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари, жумладан, Самарқанд билан Сиань ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи асносида Самарқанд ва Сиань ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатиш тўғрисида фикр билдирилган эди.

Хитой Раиси Си Цзиньпиннинг она юрти бўлган ушбу шаҳар билан рўйи замин сайқали бўлган Самарқанд ўртасидаги муносабатларнинг янги даражага кўтарилишида ва Президент Ислом Каримовнинг Сианни зиёрат қилишида чуқур рамзий маъно бор. Давлат раҳбарларининг ўзаро ишончи ва ҳурмати мамлакатлараро ҳамкорлик алоқаларининг юксак ривожи учун асос бўлиб, халқларимиз ўртасидаги ришталарни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи сиёсий, иқтисодий натижалар билан бир қаторда юксак инсонийлик ютуқлари туфайли ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихидан муҳим ўрин эгаллаши ва ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариши муқаррардир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири
Пекин – Сиань – Тошкент.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг 23 йиллиги байрамини нишонлашга тараддуд кўрмоқда. Истиқлолнинг ўтган қисқа даврида эришилган миллий тараққиётимиз самаралари сарҳисоб қилинганда, юртни обод этиш, фаровонликни юксалтириш, халқимизни сифатли ноз-неъматлар билан таъминлаш борасида ниҳоятда катта ютуқларга эришилгани аён бўлади.

Айни чоғда, бугун жаҳон ҳамжамияти олдидаги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга доир мавжуд муаммоларни, хусусан, айрим минтақаларда юзага келаётган мураккаб вазиятни ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Бинобарин, Президентимиз ташаббуси билан «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзусида халқаро конференциянинг ўтказилгани жаҳонда бу борада долзарб бўлган муаммоларга дунё ҳамжамияти эътиборини қаратиш жиҳатидан ғоят муҳим аҳамият касб этди.

БМТнинг Халқаро экологик хавфсизлик академияси академиги, ЮНЕСКО ҳамда Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) эксперти, биология фанлари доктори, профессор Абдуқодир ЭРГАШЕВ билан суҳбатимиз мазкур анжуманда илгари сурилган долзарб масалалар ҳақида борди.

“ЎХШАШИ ЙЎҚ БУ ГЎЗАЛ БЎСТОН...”

— Ватанимизнинг истиқлолга эришиши она юртимизнинг барча соҳалардаги бетакрор салоҳиятини юзага чиқаришда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Бир пайтлар ўзи гўшт-сут ва мева-чева етиштириб, шу неъматларни истеъмол қилиш даражаси бўйича собиқ иттифоқда энг охирги ўринларда турган халқимиз бугун бу борада мисли кўрилмаган ютуқларга эришди. Мамлакатимиз бугун ўз аҳолисини таъминлаб, юрт бозорларини сероб қилишдан ташқари, умумий миқдори 5 миллиард долларга яқин озиқ-овқат ва мева-сабзавот маҳсулотларини хорижга экспорт ҳам қилмоқда. Кейинги уч йил мобайнида экспортга чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми уч баробардан зиёдга ошди. Ўзбекистон бугун жаҳоннинг саксондан ортиқ мамлакатига 180 хилдан кўпроқ сара мева-сабзавот ва уларнинг маҳсулотларини етказиб бермоқда. Мамлакатимиз узум, ўрик, олча, ёнғоқ, карам ва бошқа турдаги мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича жаҳонда етакчилик қилаётган ўнта йирик мамлакатнинг биридир.



Абдуқодир ака, жаҳон кўламида олиб қарайдиган бўлсак, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши аҳоли сони ва эҳтиёжлари ўсишидан ортда қолаётгани сабаблари қандай омиллар билан изоҳланади?

Давоми иккинчи саҳифада.

МЕҲРУ МУҲАББАТ БОҒИДА

Ифтихор

Фахр этурман то абад,
мен Ўзбекистоним билан,
Кўзларимда яшнаган
тенгсиз гулистоним билан.

Гуллагай дашту далам,
оташли сўз излар қалам,
Қанча ёзсам шунча кам,
битмайди достоним билан.

Ҳилпирар байроғимиз,
бизларни юксак тоғимиз,
Кетди дил чанқоғимиз,
осуда ҳар оним билан.

Чарх уриб учгай Ҳумо,
тинчлик топар қалбимда жо,
Қўл очиб айланг дуо,
хуш давру давроним билан.

Излагай имконга йўл,
мақсад буюк довонга йўл,
Энг улуғ карвонга йўл,
бошловчи сорбоним билан.

Ўргилиб тупроғида,
меҳру муҳаббат боғида,
Ҳуррият ардоғида,
куйлай дилу жоним билан.

Сарбаланд Ахтамқули,
ҳар бир ғазал кўнглим гули,
Эзгуликлар ҳосили,
пишгай юрак қоним билан.

Ахтамқул КАРИМ



ЎзА олган сурат.

Она сайёра — қўриқхона

“ЎХШАШИ ЙЎҚ БУ ГЎЗАЛ БЎСТОН...”

Бошланиши биринчи саҳифада.

— Зироатчилик жаҳоннинг барча мамлакатлари, шу жумладан, бизда ҳам катта аҳамиятга эга, чунки инсоният томонидан истеъмол қилинадиган барча озиқ-овқат маҳсулотларининг 98 фоизга яқини фақат тупроқда етиштирилади. Уларнинг 60 фоизини гуруч, буғдой, маккажўхори каби донли экинлар ташкил қилади. Шунинг учун ҳам барча давлатлар халқ хўжалигининг бу соҳасини иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш, ривожини барқарор қилишга интиладилар.

Ватанимизнинг истиқлолга эришуви она заминимизнинг бу борадаги жуда катта имкониятларини рўёбга чиқармоқда. Бироқ, жаҳон миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, ердан нотўғри фойдаланиш туфайли унинг унумдорлиги ёмонлашмоқда, ҳосилдорлик кескин пасаймоқда, озиқ-овқат маҳсулотлари етишмовчилиги юзага келмоқда, очлик, касалликлар, охир-оқибатда эса бу ижтимоий бўҳронларга, барқарор тараққиёт издан чиқишига олиб келмоқда. Мутахассислар фикрича, ернинг завол топиши (деградацияси) унинг табиий қуввати ёмонлашувининг ҳар қандай шакли бўлиб, тупроқнинг аввалгидек маҳсулдор бўлмай қолиш ҳолатидир. Президентимизнинг **«Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари»** мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида бу жараённинг сабаблари батафсил таҳлил этиб берилди. Атроф-муҳитнинг экологик жиҳатдан бузилиши ҳамон давом этаётгани энг жиддий масалалар сифатида тилга олингани бежиз эмас. Дарҳақиқат, мазкур муаммо жаҳон ҳамжамияти учун ўта долзарб тахдидлардан бири ҳисобланади. Мана шунинг учун ҳам сайёрамизда юзага келган экологик бузилишлар ва ижтимоий зиддиятлар барчани қаттиқ ташвишга қўяётир.

БМТнинг Озиқ овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти (ФАО) ҳамда Атроф муҳит масалалари Дастури (ЮНЕП) экспертлари маълумотларига эътибор қаратайлик. Кейинги бир асрда, олдинги минг йил давомидагидан ҳам кўпроқ унумдор ерлар йўқотилганига кишининг ишончси келмайди. Ер инсониятнинг ҳаёти манбаидир. Шунга қарамай, 5 млн. 800 минг квадрат километр майдондаги тропик ўрмонлар кесиб юборилган; 6 млн. 800 минг квадрат километр майдонда чорва молларининг ҳаддан зиёд кўп боқилиши; 1 млн. 370 минг квадрат километр майдонда дарахтлар ўтин учун кесиб олиниши; 1 млн. 095 минг квадрат километр ер йўллар ва заводлар қурилишига ажратилиши; 5 млн. 900 минг квадрат километр ер ирригация ва мелиорация ишларида йўл қўйилган хатолар туфайли деҳқончилик учун мутлақо яроқсиз ҳолга тушиб қолгани ташвиш уйғотмай қолмайди, албатта.

Халқимиз бежиз “Эрларини йўқотган эл ўн йил йиғлар, Ерларини йўқотган эл минг йил!”, деб айтмайди. Менинг илмий тадқиқотларим мавзуси ҳам айнан ер, табиат илми билан боғлиқ. Одамзодни боқиб, кийинтириб келаётган жамики тирикликка бўлган муносабатимизни тубдан яхшилаб, азалий **мувозанатни** янада чуқурроқ ҳис этиб, унинг бузилишига мутлақо йўл қўймаслик зарурлигини барчага, иложи бўлса бутун дунёга баралла айтгим келади... Ҳозирги ўта мураккаб даврда ўтмишдаги буюк мутаффакирларимиз, олиму фузалоларимиз қолдирган юксак маънавий ва илмий меросни бугун етишиб келаётган авлод янада чуқурроқ ва теранроқ ўрганмоғи зарурати туғилдики, буни ниҳоятда зийрак ва узоқни кўра оладиган, стратегик фикрлайдиган сиёсатчиларгина тушуниб етдилар. Чунки, фан тилида “ксенобиотик” омиллар деб аталаётган табиатга мутлақо ёт “кашфиёт”лар нафақат инсон саломатлиги ва ирсияти, балки, сайёрамиздаги барча биохилмахиллик ирсиятига ҳам хавф солмоқда.

Палеонтологик йилномалар кўрсатишича, кейинги эллик йил мобайнида ер юзидаги биологик турларнинг йўқолиши олдинги асрларга қараганда юз ва ҳатто минг маротаба тезлашиб кетган. “Халқаро табиат муҳофазаси иттифоқи” раиси Ж.Мартон-Лефеврнинг 2010 йили ЮНЕСКОда эълон қилган маълумотларига кўра, ҳозирги пайтда ер юзидаги барча сут эмизувчилар турининг 22 фоизи; сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг 30; қушларнинг 12; чучук сувда яшовчи балиқларнинг 37; ўсимликларнинг 70; умуртқасизларнинг 35; зироатчиликда керак бўлган ўсимликлар генофондининг 75 фоизи мутлақо йўқолиб кетиш хавфи остида экан. Таниқли генетик олим, академик Н.П.Дубинин айтганидек, бугун планетамизнинг энг ноёб тизими бўлган биологик турлар, қолаверса, инсон генофонди, сайёрамиздаги “ҳаёт занжири”нинг узилиб қолиш хавфи замонавий фан олдидаги ўта жиддий муаммо бўлиб турибди.

Кейинги йилларида мамлакатимизда мазкур дунёвий муаммоларга катта эътибор қаратилаётир. Тошкент ва Самарқандда ўтказилган халқаро илмий конференцияларнинг мавзуси ҳам бутун жаҳонни ўйлантираётган долзарб масалаларга бағишлангани билан ғоятда аҳамиятлидир. Шуни таъкидлаш лозимки, Президентимиз маърузаларида бу масала жуда тўғри ва чуқур стратегик ёндошув билан кўрсатиб ўтилди. Ишонч билан айтиш мумкинки, генетика, биотехнология соҳаларида чуқурроқ билимга эга бўлган кўпчилик мутахассислар, олимлар ушбу маърузада баён қилинган фикр-мулоҳазаларни катта хайрихоҳлик билан қутиб олдилар.

— Секин-аста тўпланиб бораётган янги экологик муаммолар инсоният олдига қандай вазифаларни қўймоқда. Замонавий илм-фан уларнинг ечимини топишга қодирми?


— Эндиликда бундай мураккаб глобал муаммоларни ҳал қилиш учун бутунлай янгича ёндошув тақозо этилмоқда. Яъни фанлараро кўп қиррали билимлар мажмуасини яратиш, бошқача айтганда, “Барқарор Тараққиёт Таълими” назариясини чуқур эгаллаган янги авлодга катта умид боғланмоқда. Шунинг учун ҳам БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2010 йил бутун дунёда биологик хилма-хилликни асраш йили деб эълон қилиниб, жаҳон халқлари эътибори ана шу ўта долзарб масалага қаратилди. Маълумки, БМТ Бош Ассамблеяси 2005 дан 2014 йилгача бўлган даврни бутун дунёда “Барқарор тараққиёт таълими ўн йиллиги” деб эълон қилган. Бу ҳаракатга жаҳоннинг барча мамлакатлари яқдиллик билан қўшилди ва бизнинг юртимизда ҳам бу борада кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Марказий Осиёда биринчи бўлиб, Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети қошида ЮНЕСКОнинг Барқарор Тараққиёт Таълими кафедраси очилгани бунга яққол мисол бўла олади. Инсоният тамаддунидаги технократик йўл бундан буён, албатта, янги йўналишга бурилмоғи муқаррар. Чунки, илгари ихтиро қилинган ички ёниш двигателларидан фойдаланиш эндиликда углеводород ёнилғилари камайиб кетишига олиб келмоқда. Уларни қайта тиклаб бўлмаслиги сабабли аста-секин янги, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш урф бўлаётир.

— Президентимиз халқаро конференциядаги нутқида “Генларни модификация қилиш технологиялари, умуман олганда, яхши ниятда юзага келган, яъни ҳосилдорлик ҳажмини оширишга қаратилган. Лекин бундай технологиялар инсон саломатлигига зиён етказмаётгани, ўн ёки йигирма йилдан кейин салбий оқибатларни келтириб чиқармаслиги аниқ исботланмагунга қадар, мен бу масала билан ҳозир фаол шуғулланаётганларга бу ишларга жуда берилиб кетмасликни тавсия қилган бўлардим. Бунда, ўйлашимча, энг аввало тижорат, ҳатто эгоистик мақсадлар кўпинча устунлик қилади. Менинг шахсий фикрим шуки, бу масала устида ҳар томонлама чуқур ўйлаб кўриш лозим”, деб таъкидладилар.

Сиз генетика соҳасида кўплаб тадқиқотлар олиб борган таниқли олим сифатида, айтингчи, бу интилишнинг бирор ижобий жиҳати ҳам кузатилганми? Хусусан, ГМО, яъни “ген муҳандислиги“ини қандай тушуниш керак. Бу тушунчанинг ибтидосида қандай мақсадлар ётади?

— Янги минг йиллик умумбашар тарихида мутлақо янги бир имкониятлар босқичини, яъни тирикликнинг, шу жумладан, инсон организмининг ирсияти асосларини (генетик коди ёки алифбосини) ўқиш имкониятини бошлаб берди. ХХ аср ўрталаридан бошлаб генетика ва молекуляр биология фанларининг назарий ва услубий жиҳатдан бирлашуви туфайли янги бир йўналиш — “ген инженерияси” юзага келди. Бу соҳанинг бош мақсади — амалиёт ва фан учун керак бўлган, ирсияти мақсадга мувофиқ равишда ўзгартирилган микроорганизмлар, ўсимликлар ва ҳайвон зотларини яратиб, улардан олинадиган маҳсулотларни кўпайтиришга эришиш.

Генетик модификацияланган организмлар (ГМО) ва улардан олинадиган маҳсулотлар илк бор ўтган асрнинг 70-йилларида тарқала бошлади. Ҳозир АҚШ, Аргентина, Австралия, Канада, Уругвай, Мексика, Ироқ, Афғонистон ва бошқа мамлакатлар бундай маҳсулотлардан энг кўп фойдаланаётган давлатлар сирасига киради. Бироқ Европа Иттифоқидаги 27 мамлакат, шунингдек, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Россия ГМО маҳсулотларини ўз худудларига олиб киришни тўлиқ ёки қисман тақиқлаганлар. Бирмунча аввалроқ Ҳиндистонга АҚШдан келтирилган ғўзанинг шундай навлари пахта етиштирувчи фермерларни қарзга ботириб, касодга учратди.



ГМО ва унинг маҳсулотларини етиштириш таннархи пастроқ, ҳосилдорлиги эса юқори. Шу сабабли бундай маҳсулотлар озиқ-овқат танқислигига чек қўйиш имконини беради, деб ҳисобланарди. Аммо, яқинда АҚШнинг ўзида 1200 дан ортиқ тажриба майдонларида ўтказилган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, ниҳоятда катта маблағ эвазига яратилган янги “ГМО” навлари ҳосилдорлиги жиҳатидан анъанавий генетика ва селекция усуллари билан яратилган навларникидан 5-6 фоиз кам ва боз устига сифати ҳам физиологик талабларга мос келмаётган экан. Европа Иттифоқи ва бошқа кўпгина мамлакатларда “ген инженерияси” шов-шувлари аллақачон тугаган. Негаки, у қонун билан таъқиқлаб, мораторий эълон қилинган.

— Бинобарин, “ген инженерияси”нинг изидан қувилса, унинг тажовузи туфайли неча миллион йиллар мобайнидаги эволюция жараёнлари натижасида вужудга келган табиатдаги ғоят ноёб турлар йўқолиб ё уларнинг генофонди бузилиб кетмайдими?

— Энг катта ташвиш уйғотаётган, инсониятни хавотирга солаётган масала ҳам шунда-да! Тасаввур этишингиз учун айрим рақамларни келтирмоқчиман. Масалан, бутун дунёда одамларни тоза ичимлик сув билан таъминлаш, унинг санитария ва гигиенаси учун йилига бор-йўғи 9 миллиард АҚШ доллари сарфланаётган бўлса, биргина Европада фақат сигарета ишлаб чиқаришнинг ўзига 50 миллиард, алкоголли ичимликлар ишлаб чиқариш учун 105 миллиард, дунёда гиёҳванд моддалар тайёрлаш учун 400 миллиард ва ниҳоят қирғин қуроллари ишлаб чиқариш учун 780-800 миллиард доллар сарфланаётган экан. Мана, дунё тамаддуни тараззисининг шайини қаёққа қараб оғаётгани...

Албатта, ГМО маҳсулотларининг инсон организмига таъсири ва унинг келгуси авлодларимиз ҳаёти ва сиҳат-саломатлигида қандай оқибатлар олиб келиши мумкинлигини ҳозирча айтиш қийин. Чунки бу жуда аниқ ва қаттиқ назорат остида ўтказиладиган кенг кўламли тажрибаларни талаб этади. БМТнинг “Одам геноми ва инсон ҳуқуқлари” Умумжаҳон Декларациясининг 12-моддасида давлатлар бу йўналишдаги тажрибаларни демократик қонунлар доирасида олиб борилишини таъминлашлари лозимлиги қайд этилган. Декларациянинг 13-моддасида эса жавобгарлик маъсулияти олимнинг интеллект даражаси ва виждонига ҳавола қилинади, дейилган. Бинобарин, ген инженерлиги тадқиқотлари мутлақо дахлсиз ва кўзбўямачиликдан холи бўлиши зарур. Демак, илм-фан ютуқларидан Беруний бобомиз айтганидек, эзгулик, инсонпарварлик мақсадида эмас, инсониятга қарши янги қирғин қуроли яратиш учун фойдаланишни ўйлаётган кучлар борлигини ҳам унутиб бўлмайди.

Ҳозирги пайтда ГМО маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқараётган АҚШ, Канада ва Лотин Америкаси мамлакатларида трансген ўсимликлардан олинган озиқ-овқат маҳсулотларига махсус белги қўйиб сотиш жорий қилинган. Айни чоғда, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, кўпчилик давлатлар ва ташкилотлар ГМО ва унинг маҳсулотларини махсус баҳолаш жараёнидан ўтказиш лозим, деб ҳисоблайдилар. Катта бир гуруҳ олимлар трансген маҳсулотлар ва инсон саломатлиги масаласида анча ташвишли мулоҳазаларни билдиришмоқда. Уларнинг фикрича, ГМО маҳсулотлари келгусида инсон саломатлиги ва ирсиятига салбий таъсир кўрсатиши, ҳатто одамзоднинг ўз инсоний қиёфасини йўқотиб қўйишигача олиб келиши мумкин экан. Турли аллергик реакцияларнинг кўпайиши, генларнинг кўчиши, мутациялар ҳосил бўлиши шундай кўз кўриб, қулоқ эшитмаган вазиятларни келтириб чиқариши мумкин. Россиялик олимлар сичқон ва қаламушларни ген инженерлиги воситасида етиштирилган соя уни билан озиқлантириб, тажриба ўтказиб кўришди. Биринчи авлоддаёқ уларнинг ўлими 50 фоизга ортгани, тирик қолганларида эса бепуштлик, шунингдек, кучли қўзғалувчанлик, агрессивлик ва психикасида салбий ўзгаришлар пайдо бўлиб, улар ўз болаларини еб қўяётгани кузатилган... Ҳолбуки, бундай хусусият жониворларнинг ушбу турига мутлақо хос эмас экан. Хулосани, албатта, ўқувчиларнинг ўзларига ҳавола қилиш билан чекланамиз.

Шу ўринда яқинда ойнаи жаҳон орқали намойиш этилган таниқли япон адиби, кинорежиссёр Акира Куросаванинг машҳур филмидаги қизиқарли бир лавҳани келтириб ўтмоқчиман: “Сув тегирмонлари” қишлоғида яшаётган 105 ёшли чол билан шаҳардан келган рассом йигит ўртасида шундай суҳбат бўлиб ўтади: “Қишлоғимизга хуш келибсиз, аммо бу ерда шаҳарлардаги каби турли техника ютуқларию қулайликларни кўрмайсиз. Лекин, худога шукурки, қишлоғимиз сувлари, тупроғи тоза, экин ва дарахтларимиз ям-яшил, ҳавоси мусаффо. Мана бу, узоқдан эшитилиб, тобора яқинлашиб келаётган қайғули мусиқа эса, кеча қишлоғимизда дунёдан кўз юмган энг ёш ва гўзал бир аёлнинг мотам маросимида чалинмоқда. Мен ҳам шу маросимда қатнашишим керак, шунинг учун шошилаяпман. Сиз билан тез хайрлашаётганим учун узр. Бормасам бўлмайди, ахир у биринчи муҳаббатим эди. Бошқага турмушга чиқиб кетган бўлса ҳам!..

— Э, ундай бўлса, марҳума неча ёшга киргандилар?

— Ҳа... уми, у ҳали эндигина 99 га қадам қўйганди...”

Ўйлашимча, бу суҳбатнинг сизу бизга ва бани инсониятга дахлдор жиҳатлари, сабоқлари кўп. Мен Оллоҳ назари тушган бутун юртимизни ўшандай манзилу маконлардан кам кўрмайман. Негаки, бизда етиштирилаётган ноз-неъматларнинг асло тенги йўқ. Бундай юртни ҳамиша кўз қорачиғидек асрашимиз, келгуси авлодларга ҳам беғубор ҳолда етказишимиз керак. Демоқчиманки, Юртбошимиз халқаро анжумандаги нутқида таъкидлаганидек, юртимизда шаклланган кўп асрлик анъанавий сабзавотчилик ва боғдорчилик маданияти генларни модификация қилиш технологияларини қўлламасдан туриб ҳам жуда мазали таъмга эга экологик тоза неъматлар етиштириш имконини беради. Бинобарин, бундай зироатчилик маданияти кенг ёйиш, унинг имкониятларидан бани башарни бахраманд этиш жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб экологик муаммолар ечимини топиш йўлидаги саъй-ҳаракатларга амалий жавоб бўлур эди.

Суҳбатдош Мурод АБДУЛЛАЕВ.

ИККИ ДАРЁ АРО

Билмаслар — бу тоғлар қанчалар улуғ,
Нақадар бепоён далаю дашт ҳам,
Бу улуғ иўлларнинг манзили қутлуғ,
Олтин боғларида дурдона шабнам.

Бунда қалблар борки, тоғдан боқиброқ,
Бунда қалблар борки, даштлардан кенгдир,
Жаннат боғларидан қўра сахиброқ,
Муҳаббати қуёш меҳрига тенгдир.

Ҳали бу беҳиштни англаркан олам,
Меҳрини, яқину йироқларини.
Икки дарё аро қўйишиб қадам,
Кўзларига суртгай тупроқларини.

ХУМОЮН

МУҚАДДАС ДИЁР МАДҲИ

“Туркистон” саройида Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб ташкил этилган “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.



Унга санъат байрамининг турли вазирлик ва идоралар, ижодий ташкилотлар тизимида ғолиб бўлган ижрочи ва ижодий жамоалар таклиф этилди.

Тадбирда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2009 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш, уларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантиришда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори асосида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари ҳамкорлигида истиқлолни тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқлар, мусиқа асарлари учун “Ягонасан, муқаддас Ватан!” анъанавий республика кўрик-танловини байрамона руҳда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Танлов ташкилий қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ушбу санъат байрамининг туман, шаҳар ва вилоят босқичларини ўтказиш бўйича барча ижодий-ташкилий ишлар мувофиқлаштириб борилди. Кўрикни жойларда юқори савияда ўтказиш учун тажрибали режиссёрлар, бастакорлар, шоирлар ва малакали мутахассислар жалб этилди. Санъат анжуманининг Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Мудофаа вазирликлари, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси тизимидаги босқичларида 77 минг 300 дан ортиқ ижрочи қатнашди. Таниқли санъаткорлар ва ижодий жамоалар билан бирга санъат оламига кириб келаётган истеъдодли ёшларнинг ватанпарварлик, юксак гражданлик руҳидаги қўшиқлари сараланди.

– Ватанни куйлаш, уни юксак пардаларда мадҳ этиш олий шараф, – дейди Бастакорлар уюшмаси раисининг ўринбосари, танлов ҳакамлар ҳайъати раиси Ҳабибулла Раҳимов. – Танлов учун тақдим этилган қўшиқларда уларнинг бадиий савияси, хонандаларнинг ижро маҳорати билан бирга “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” деган эзгу ғояни ўзида мужассам этганига алоҳида эътибор қаратилди.

Танловда юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни, мусаффо осмонимизни, табаррук Ватанимизни, Президентимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган чексиз меҳр ва эътиборни, бағрикенг, меҳнатсевар халқимизни тараннум этувчи қўшиқлар томошабинларга тақдим этилди.

Кўрик-танловнинг ғолиб ва совриндорлари энг улуғ, энг азиз байрам – Мустақиллик шодиёналари арафасида эълон қилинади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Сиймолар

“ВАТАН НАДИР...”

Ўз замонасининг етук адиби, таниқли таржимони, моҳир ҳаттоти, ўткир табиб, уста деҳқон ва миришкор боғбонларидан бўлмиш Сидқий Хондайлиқий саховатпешалик ва бағрикенгликда эл оғзига тушган эди.

Саф-саф шогирдларга устозлик вазифасини беминнат бажарганлиги манбалардан маълум. Серқирра ижодкор оламини, сабоқларини қайта тиклаш, элга танитиш жараёнига Муҳсин Зокиров, Абдулҳамид Жалолов, Бегали Қосимов сингари олимлар, адабиётшуносу адиблар бош қўшдилар.

Ўтган йиллар мобайнида адибнинг китоблари тўлдирилган ҳолда нашр этилди, Сидқий Хондайлиқийга бағишланган асарлар яратилди, шоир дунёга келган Бўстонлиқ туманида тантанали йиғинлар, учрашувлар ўтказилди. Айниқса, Хондайлиқ қишлоғининг сўлим гўшаларидан бирида “Сидқий Хондайлиқий боғи” ташкил этилгани нур устига нур бўлди.

Шоирнинг падари бузруквори мулла Мирзоҳид ота Бухородаги Мир Араб мадрасасида ўқиб келгач, қутлуғ хонадонида мактаб очиб, олис-яқиндан келган талабаларга кўп йиллар давомида билим берган. Ҳар тарафлама етук бу инсон Ҳазрат домла унвонига ҳам сазовор бўлган экан. Сирожиддин Ҳазрат домланинг ўртанча ўғли бўлиб, бошланғич таълимни отасидан олди. Қалб кўзи ила олисни кўра олувчи Мирзоҳид ота фарзандлари орасида Сирожиддинга алоҳида меҳр билан қарарди. Чунки бу ўғил қобилияти, зийраклиги, айниқса, адолатпарварлиги билан алоҳида ажралиб турарди. Худбинлик, бахиллик, таъмагирлик каби иллатлар унга мутлақо бегона эди. Ёшлигидан катта билим даргоҳлари сари интилган Сирожиддин ўсмирлигида Кесаккўрғон мадрасасида Шоҳмуҳйиддин Оҳунд домла қўли остида таълим олди. Қисқа вақт давомида Бегларбеги ва Кўкалдош мадрасалари талабларини ҳам тўла адо этиб, ижод олами сари дадил одим ташлади.

Сидқий Хондайлиқийнинг серқирра ижоди ҳақида гап кетар экан, чуқур маъноли ғазалларию шеърлари, ўткир ҳажвиётию мағзи тўқ насрий асарлари эзгулик руҳи билан суғорилганини таъкидлаш жоиз. Айниқса, ҳажвий шеърларида у бахил, кибру ҳавога берилган золимларни аямай, сира чўчимай сатира қамчиси билан саваларди:

Эй тамаъ қопчуғи... нечун иш бул,
Уруб олғунг муридларингдин пул.
Бермасига оларни қўймассен,
Қисталанг бирла солибон ғул-ғул.

Сохта дин пешволарининг кирдикорлари қатори ришва-(пора)-хўрларнинг нопок амалларини шоир шундай фош этади:

Хўжа қилиб сарф пулин неча йўл,
Қози бўлиб қолди баногоҳ ул.
Ришва деса ташлаб ўзин томдин,
Қилмайин андиша ёмон номдин.

Халқпарвар шоир нафақат ўткир сўзи билан сабоқ берар, балки меҳнатсеварлик, ишбилармонлик, ҳалоллик бобида ҳам ибрат кўрсатарди. Сирожиддин Маҳдум деҳқончилик, боғбонлик, асаларичилик каби ҳаёт учун энг зарур касбларнинг устаси эди. Ниҳоятда тотли таомлар тайёрлаш, ҳатто тенгсиз ширмой нонлар ёпишда юртдошларидан ҳеч ким бу зотга тенглаша олмасди. Деҳқону боғбонларга қарата Сидқий ёзган эди: “Билингки, ўсимликларнинг оёқ-қўллари, қулоқ ва кўзлари ҳам бордир. Улар деҳқону боғбонлар кўзларидан сув ичар эмишлар. Вақтида меҳр ила қаралмаса, ниҳол нобуд бўлмишдир...”.

Сидқий Хондайлиқий ўз билим ва тажрибаларидан келиб чиқиб, одамларни уч тоифага ажратади: “Бутун одам, ярим одам ва одам ҳисобида бўлмаган одам. Бутун одам улдирки, ўз ихтиёри ила касбу корга киришур ва тиришур. Ярим одам улдирки, ўзганинг иршодича касбу корга машғул бўлур. Одам ҳисобида бўлмаган одам на унисига, на бунисига яроқли. Улар ялқов ва дангасалар жамоаси эрурки, таъма бирлан кечинур”.

Хондайликдаги ўн тўққиз, Тошкентдаги ўн олти ва Паргиздаги ўн беш йиллик умрида ёниб яшаган шоир 1934 йилнинг кеч кузида тўсатдан вафот этди. Шоир васиятига кўра, у Паргиздаги Парвез-тепага дафн этилди. Шоир тавалудига юз йил тўлиши муносабати билан қабрига салобатли ёдгорлик ўрнатилди. Ёдгорликка унинг қуйидаги сатрлари муҳрланган:

Ватан надир, туққон ерим, турғон ерим,
Ўсиб-униб, ўйнаб-қулиб юрғон ерим...

Сидқий Хондайлиқийдан ўрганишимиз лозим бўлган инсоний фазилатлар, эзгуликлар шу қадар кўпки, уларни қанча ёзсак оз. Бу ҳақда устознинг меҳр-оқибатли шогирди Абдулла ота Носиров бир суҳбат давомида: “Сидқийнинг маънавий дастурхони шу қадар бой ва тўкиски, ундан ҳар қанча таомланган билан сирасира озаймайди”, деган эди фахр билан.

Дарҳақиқат, серқирра адиб ҳаёти ва фаолияти хусусида қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда, меросининг ўрганилмаган, ечилмаган жозибали қирралари очилмоқда. Ижодкор томонидан моҳирлик билан ўзбекчага таржима қилинган “Минг бир кеча”нинг икки жилди Шарқшунослик институтида сақланиб турибди. Саъдийнинг “Бўстон”, “Раҳимо” ва “Каримо”, шунингдек, “Ажойиб ул-махлуқот”, “Мирзо Ҳамдам”, “Қиссаи шаҳзода Баҳром” каби форс тилидан ўзбекчага ўгирган нодир асарлар ҳам ҳозирги китобсеварлар қўлига етиш учун навбат кутмоқда. Мазкур таржималар тўплам ҳолида чоп этилса, Сидқий Хондайлиқий мероси янада тўкис тус олар эди. Шу ўринда тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасанийнинг бу мавзудаги самарали меҳнатларини алоҳида мамнуният билан айтиб ўтиш керак. Олим яқинда “Сидқий Хондайлиқий мероси” деб номланган салмоқли публицистикасини матбуотда эълон қилди, ошнафас шоир шеърларига ажойиб мухаммаслар боғлади. Азиз диёрини ва заҳматкаш халқини жон-дилдан севган Сидқий Хондайлиқий каби фидойи ва заҳматкаш инсонлар номи ҳеч қачон унутилмайди.

Асад АСИЛ

Ашурали БОЙМУРОД

ҚУЁШДАН ТОЖ КИЙГАН ЎЗБЕКИСТОНИМ



ОНА ВАТАН

Бу замин оловдир, бу замин — оташ,
Кўксини тоғ қилган офтобистоним.
Ойдан-да сулувдир, гўзал париваш,
Қуёшдан тож кийган Ўзбекистоним.

Дунё донолари жамулжам бўлмиш,
Регистон сўз очар қадим достондан.
Қадимий бир сирдан ҳайратга тўлмиш:
Қуёш нур оларкан Ўзбекистондан!

САМАРҚАНД

Мовий гумбазларинг самога туташ,
Ердаги офтобсан, бағри ўт, оташ,
Нақадар гўзалсан, нақадар дилкаш,
Шаҳарлар ичинда тенгсиз, аржуманд.

Шарқнинг гавҳарисан боқий Самарқанд.
Сенла шуҳрат топган ул Соҳибқирон,
Буюк салтанатга йўл очди равон,
Юлдузлар илмидан бўлдинг чароғон,
Меҳмонга пешвосан, сўзинг асал, қанд,
Шарқнинг гавҳарисан боқий Самарқанд.

Алла айтган каби кентлар онаси,
Сен-да жаранглайди «Шарқ таронаси»,
Бу элнинг Ватанга чин шукронаси,
Регистон сеҳридан олам баҳраманд,
Шарқнинг гавҳарисан боқий Самарқанд.

Шунчаки ўтмангиз шаҳар ёнидан,
Бир бор татиб кўринг «Сиёб нони»дан,
Дўстни ортиқ кўрар азиз жонидан,
Ватан байроғини кўтарган баланд,
Шарқнинг гавҳарисан боқий Самарқанд.

АСАД ОЙИ

Шарбат йиғар боларилар,
Асад ойи — асал ойи,
Жам бўлишган гулпарилар,
Ярқирайди ёз чиройи.

Турфа рангда товланади
Ишкомдаги оқ ҳусайни,
Ўзбекистон боғларига.
Кириб ўтгин, эй оғайни!

Бободеҳқон хирмонидан
Ёғилади буғдой сўзлар.
Юрак деган бир тандирдан
Узилади чўғдай сўзлар.

Қўли очиқ, сахий ёз бу,
Табиатнинг ҳстамтойи.
Ўзбегимнинг бўй-бастига
Ярашгандир асад ойи.

Бу қандайин фурсат, дейди,
Далаларинг ясат, дейди,
Ёзнинг асл чоғларини
Юртимизда асад дейди.


Очилгандир олтин сандиқ,
Сахий фасл — йилнинг бойи,
Сен ҳам кўнглинг ёздек тутсанг,
Доим ҳамроҳ асад ойи.

ИПАК ҚУРТИ ҲАҚИДА

Тут баргида унинг ҳаёти,
Яшамоққа озиқ сўрайди,
Учолмайди, йўқдир қаноти,
Ўз умрини оққа ўрайди.

Шивирлайди яшиллик кечиб,
Қойил қолдим жонзот кучига —
Ўз-ўзига оқ қаср бичиб,
Кириб олар унинг ичига...

Ашурали БОЙМУРОДОВ 1957 йилда Тошкент вилоятида туғилган. Жиззах давлат педагогика институтини тамомлаган. “Табиат сеҳри”, “Садоқат”, “Соғинч”, “Меҳристон” сингари шеърий тўпламлари чоп этилган.



УЛУҒЛАНИШ

Инсонни ҳалол меҳнат захматлар улуғлайди,
Топган сидқидил иззат-ҳурматлар улуғлайди.

Рўзғорга ажиб тотлар, қўшган қанду новвотлар —
Юрт берган мукофотлар, рағбатлар улуғлайди.

Гирдида қуриб базм, меҳр-ла солиб разм,
Чин дилдан қилиб таъзим — улфатлар улуғлайди.

Ғам бошга тушиб гоҳо, тор бўлса бу кенг дунё,
Дўстинг кўп эса ҳатто, заҳматлар улуғлайди.

Инсон руҳини шодлар, ноёб кашфу ижодлар,
Бўлиб мулки ободлар — ҳайратлар улуғлайди.

Ниятлар қилиб эзгу, ўтсак дўст-иноқ мангу,
Бизни бу гўзал урфу одатлар улуғлайди.

Яшнатса бу дунёни, ёр тўлса Зиё шони,
Инсонни соф инсоний хислатлар улуғлайди.

БОЛАЛАР

Сиз буюк давлатнинг эгаларисиз,
Мустақил юртимнинг болакайлари.
Халқимнинг беклари, бекаларисиз,
Мустақил юртимнинг болакайлари.

Унутманг, наслисиз Соҳибқироннинг,
Навқирон фаслисиз кўҳна Туроннинг,
Соҳиби эрурсиз шу ҳур замоннинг,
Мустақил юртимнинг болакайлари.

Зиёвиддин МАНСУР

ОБОД ЮРТ ҲАЙРАТЛАРИ

Сизни бутун эл-юрт ўйласа не тонг,
Оналар сизни мадҳ айласа не тонг,
Дунё ҳам сизларга бўйласа не тонг
Мустақил юртимнинг болакайлари.

Умид шу: Ватанни гулга ўрайсиз,
Шу юртни эртага сизлар сўрайсиз,
Сиз интиқ мукаммал бахтни қўргайсиз,
Мустақил юртимнинг болакайлари.

ОЛТИН

— Олтин водий, — дерлар ёш-қари,
Конга бойми унинг ер қаъри?
Тиллога тенг одамларидир —
Бу водийнинг соф олтинлари...

ШАЙДОЛИК

Кулиб чиқар тонг юртимда отаётганда,
Мафтун боқиб ўтар Қуёш ўтаётганда.
Шундай гўзал юртдан умид узиб кетолмай,
Йиғлаб ботар ҳар шомда у ботаётганда.

ОТАМНИНГ ҲИКМАТЛАРИ

(туркумдан)

Бундан-да бўлиб ширин,
Равнақ топарди ҳаёт.
Гар оламда бир-бирин,
Алдамаса одамзот.

* * *

Шу туйғуни яхши бил-да
Ҳис этда, инсон:
Раҳмон яшамаган дилда —
Яшайди шайтон.

* * *

Гарчанд олтин кондир,
Барибир у тош,
Лекин буғдой нондир,
Шоли эса ош.

* * *

Менга жондан севганим ул —
Санам бепарво,
Ажаб, мени севганларга
Мен ҳам бепарво...

* * *

Ҳаёт нима? Ҳаёт бир —
Очилмаган қулфи сир.
Ҳар бир одам аслида
Шу қулфга очқичдир.

* * *

Ақлим етганича англаб оламни
Не англадим? Тингланг унсиз ноламни:
Дономан деганни кўп кўрдим, аммо
Кўрмадим нодонман деган одамни.

* * *

Инсонни чўнг ишмас, қийнар митти ғов,
Бу гапга бир мисол айтаман дарров.
Кетмонни ҳам асли зил-замбил эмас,
Емириб боради митти бир эгов.

* * *

Ҳақ бўлсанг, пок бўлсанг гумон олдида,
Жар солма ҳар яхши-ёмон олдида.
Яъни ҳақ-ноҳаққа ҳакам Худодир
Хотиржам бўлсанг бас, виждон олдида.

* * *

Дўст қанча кўп бўлса қилмағай зарар,
Бир дона бўлса ҳам душман — алҳазар!

* * *

Ирмоқлар дарёсиз ҳам эрур ирмоқ,
Дарёлар ирмоқсиз дарёмас бироқ.

Зиёвиддин МАНСУР *1954 йилда таваллуд топган. Наманган давлат университетининг филология факултетини тугатган. “Қалбим парчалари”, “Эзгулик элчиси”, “Дилраболар диёри” каби қатор китоблари чоп этилган.*

Дурбек ҚЎЛДОШЕВ

СИРИНГИЗНИ АЙТИНГ, МОМО

Ҳикоя

Катта йўл бўйидаги кўркамгина дарвоза олдига келиб тўхтаган машинадан уч киши тушди: бири – бошига оқ кепка кийган ингичка мўйловли йигит, иккинчиси — сочларини ихчам турмаклаб, қўлида китоб-дафтар солинган сумка тутган ёшроқ аёл ва оқ кител кийган салобатли маҳалла оқсоқоли. Уларни бўй-басти тенг, юз-кўзлари ўхшаш, яғриндор икки йигит илиқ кутиб олишди. Меҳмонлар йўл бўйидаги ариқ четида ранг-баранг очилиб ётган анвойи гулларни ҳавас-ла томоша қилиб, бир зум туриб қолишди... Оқсоқол ҳурсандчилик билан: “Ҳасанбой, меҳмонларни ичкарига ол!” деганди, икковлари ҳам бир овоздан: “Қани, меҳмонлар, келинглар, ичкарига киринглар!” — деб, мулозамат кўрсатишди.

Меҳмонлар бирин-кетин ҳовлига кириб боришаркан, ишкомларда новвотдай товланиб турган узумларга, саҳн четида барқ урган садарайҳонларга разм солганларича бориб, катта нақшиндор чорпоя тўрида юзларидан нур ёғилиб ўтирган момо билан сўрашдилар.

— Сарвибуви! Бу меҳмонлар вилоят телевидениесидан, телевизордан келишди! — деб таништирди оқсоқол. — Сизни зиёрат қилиб, суҳбатингизни олишмоқчи, — деб қўшиб қўйди. Момо мамнун:

— Ие, жуда яхши бўпти-да. Ҳў анов куни айтаётган меҳмонларинг шулар экан-да... Қани, қани, ўтиринглар болаларим, ўтиринглар! — деб дастурхон атрофига таклиф қилди.

Улар ёшларига қараб, жойлашиб олгач, момо бош бўлиб, эл-юртга тинчлик-омонлик, тўкин дастурхонларимиз сабабкори — зироат ишларига ривож тилаб, дуога қўл очдилар. Елкасига оппоқ сочиқ ташлаб олган йигитча келиб, одоб билан меҳмонларнинг қўлига сув қуйди.

Сарвибуви мухбир қизнинг қуйирокда ўтириб қолганига кўнгли бўлмай:

— Қизлардан иккимиз эканмиз. Кел болажоним, тўрга ўт, ёнимга чиқиб ол! — дея, унга ўзи ўтирган гулли барқут кўрпачадан жой кўрсатди. Шу орада момонинг хушрўй келинларидан бири ийманибгина: “Ассалому алайкум, хуш келибсизлар”, деб дастурхон четига чой қўйиб кетди. Момо ўтирганларни дастурхондаги нозу неъматларга таклиф қиларкан:

— Раис болам, нонни синдир, чойни ўзинг қуй! — дегунча ҳам бўлмай, оқсоқол дарров шаҳарликлар таомилида пиёлага бир қултумдан чой қуйиб, меҳмонларга узатди. Суҳбатнинг “кириш” қисми тугагунга қадар ускуналарини аллақачон созлаб, момо ўтирган тарафга қаратиб қўйган тасвирчи йигит “ҳаммаси тайёр” дегандай, маъноли томоқ қириб қўйган эди, мухбир қиз Сарвибувига юзланиб:

— Моможон, хўп десангиз энди ишга ўтсак. Мана, бу йил, роппа-роса юзинчи баҳорни қаршилабсиз! Айтингчи, аввало бундай узоқ умр кўришингиз, тетик, бардам юришингиз сири нимада?

Момо мийиғида кулиб қўяркан:

— Э, болам-а! Сенга айтсам, бунинг сир-пирини билмадим... Аммо, ишдан қочмадим, бекор қолмадим. Иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай меҳнат қилдик. Айниқса, уруш йиллари... Чолим пронтка кетган, қишлоқда ишга яроғлиқ эркаклар йўқ, бутун иш хотинларга-ю болаларга қолган. “Сув келса симириб, тош келса кемириб” ўтказганмиз у кунларни. Тўғрисини айтсам, ундан кейин ҳам осон бўлмади... Кетмон чопдим, сув қўйдим, пахта тердим, қурт боқдим, сигир соғдим... Шу орада уч ўғил, икки қизни катта қилиб, қаторга қўшдим. Ҳа, меҳнатимиз кўп оғир эди-ю, лекин роҳати оз эди... Бироқ ҳалолидан топганларимизнинг борига шукр қилиб, хотиржам яшаб келдик... Болажонларим, шукр қилайлик, шукр! Сизлар бахтли экансиз! Ота-буваларингиз бир умр орзу қилган ажойиб замонларда яшаяпсизлар!

— Моможон, қисматни қаранг, ҳаётингизни куч-қувватга тўла, олтин даври оғир ва машаққатли меҳнат билан ўтибди... Айтинг-чи, ўша йилларда орден ё медаллар билан ҳам тақдирланганмисиз?

— Беришмаган, десам ёлғон бўлади, болам. Беришган. Бир марта “Мусобақада ғолиб бўлдингиз” дейишиб, бир варақ сарғишроқ қоғоз, кейин,.. қайси йил эди... эсимдан чиқиб турибди, кирмошин беришган...

— Моможон, отахон бормилар?


— Чолимми? Бор эди, жон болам, бор эди. Бевафо, ташлаб кетди... — деганча, худди зорланиб йиғлаётгандай, рўмолини учини кўзларига босиб-босиб қўйди. Мухбир қиз тушунмагандай бўлиб оқсоқолга қараганди, у киши:

— Раҳматли Жўрабой отани бутун вилоят танирди!... Чолу-кампир жуда иноқ-иттифоқ яшаганлар. Отахон катта миришкор боғбон эдилар. Икки-уч йил бўляпти дунёдан ўтганларига. Ҳали кўчада кутиб олган Ҳасан-Ҳусанларнинг каттаси, ҳозир ўша ота яратиб кетган боғда фермер! — деб изоҳ бериб қўйди.

— Момо, бир нарсани сўрагим келяпти, айтинг-чи, мана бу данғиллама уй-жойларни қачон қургансизлар?

Сарвибуви ички қониқиш билан жилмайиб қўяркан:

— Қачон бўларди, болам... Ҳасанбойим фермер бўгандан кейин-да! Қара, бир пайтлар... сапхоз даврийди. Томимиз эскириб, чакка ўтадиган бўп қолганди... Чолим раҳматли идораларга ариза қилиб юриб, бир йилдан кейин саксонта шипирни зўрға олгандик... Мақтаняпти демагину, буёғини сўрасанг, Ҳасанбойим бултур маҳаллага чойхона билан ҳаммом ҳам қуриб берди!



Оқсоқол “Барака топгур, қўли очиқ бола”, деб момони сўзларини тасдиқлаб бош иргаб қўйди.

— Моможон, қаердан келин бўлиб тушгансиз?

Момонинг ёшлик даврлари ёдига тушиб, қалби жўшиб кетдими, нурли кўзларини порпиратиб:

— Мени ҳамма шу қишлоқлик деб ўйлайди, асли, Экинтикинликман! Бориди-ю, номи кетган мироб — Тўйчибой ака деган одамнинг кенжа қизи эдим-да! Қара-я, умрни ўтишини! От-аравада келин бўлиб шу ҳовлига тушиб кеганимгаям кеч кузда саксон уч йил бўларкан! — деганча, бироз қуруқшаб, томирлари бўртиб турган табаррук қўллари билан рўмолини тўғрилаб қўйди.

Мухбир қиз ҳаяжонли табассумини яширолмай, қўли билан лабларини беркитаркан, яна сўради:

— Невара-чеваралар нечта, моможон?

— Тўғрисини айтсам, болам, саноғини билмийман. Аммо, ҳаммасини танийман!

Бир пайт, қаердандир машҳур ҳофиз Ориф-хон Ҳотамов ижро этган “Дилраболардан” қўшиғи эшитилиб, ҳамма бир-бирига қараб жимиб қолди... Момонинг қўл телефонидан экан. Сарвинисо буви шошилмасдан, камзулининг ички чўнтагидан телефонини чиқарди-да, битта мурватини авайлаб босиб, қулоғига олиб келди. Кейин, пастроқ овозда “Ҳа болам, йўқ, йўқ! Ҳаммаёқ етарли... Сен бемалол ишингни қиловур! Албатта, албатта, хўп, бўпти болам”, деб ўчириб, яна жойига солиб қўйди. Кейин ҳайрон бўлиб, тикилиб қолган меҳмонларга қараб:

— Неварам, Ҳасанбой. Нима камчиликлар бор, меҳмонлар қуруқ чиқиб кетишмасин! Хорижликларни эртароқ кузатсам-ла, етиб бораман, деяпти. Уни ҳам меҳмон босибди. Чет элликлар билан мева-чевани бонкага қамайдиган омбор қуришяпти. Шу болам билан гаплашоламан, холос, — деб соддалик билан даврадагиларга қараб, кулиб қўйди.

Мухбир қиз қизиқиб:

— Ашулани ким ёздириб берган, момо? — деб сўради.

— Ким бўларди, Ҳасанбойим-да! Оподададасининг энг яхши кўрган қўшиғи шу! Раҳматли чолим масза қилиб эшитарди... Пластинкасиям бор! — деб қўйди ғурур билан.

Қисқа “лирик чекиниш”дан кейин мухбир қиз момони яна саволга тутди:

— Моможон, суйган таомларингиз ҳам бордир?

— Бор, болам, бор! Тўхта, қизим! Ҳадеб икковимиз гаплашиб, қолганлар зерикиб қолишмасин. Қани, дастурхонга қараб, олишиб ўтиринглар, деганди ҳамки, ҳовлига чопқиллаганича, қўлида бир нима ўроғлиқ тугунча кўтариб, беш-олти ёшлардаги болакай кириб келди. Тўғри бориб, тугунни момога тутқазаркан:

— Энажон! Дилшод ошнамни аяси бериб юборди, нон ёпган эканлар, бу сизга, — деб қўйди. Момо унинг югуриб ўйнаганидан терлаб — қизариб кетган ёқимтой юзига меҳр билан боқаркан:

— Азизбек! Салом қани? — деганди, хижолатдан ерга қараб олган болажон шоша-пиша қўлларини кўксига қўйиб меҳмонларга бош эгиб салом берди-да, пириллаганча кўчага чиқиб кетди.

— Ҳасанбойнинг кичиги. Бу йил мактабга боради. Ўқишни ўрганиб олган! Умрингни бергур, олов! Отаси путболга берди. Зайниддин қиламан деяпти, — деб қўйди ортидан.

Оқсоқол тугунни очиб, эндигина тандирдан чиққан иссиқ нон билан устидаги сомсаларни аввал момога кейин, бошқаларга тутди.

Меҳмонлар ўз насибаларини тановул қилишиб олгач, момо, сўзини давом эттириб, Дилшодбекнинг онасини “оқибатли аёл” деб мақтаб, қишлоқда бундай аёллар кўплигини таъкидлаб қўйди.

— Нимага келувдик?.. Ҳа, дарвоқе, гўшман кўпам ишим йўқ! Сигиримиз бор. Сут-қатиқ, ошқовоқ, тармева, кўкат, зоғора нон, гўжа ош жони-дилим. Кейинги пайтларда кўпчилик нимагадир қора нон, зоғорани емай қўйишди! Майли-ю, қаерга борсанг оқ нон, ширинлик, пиширик — “пирожний” дейишадими-ей! Одамлар, мунча ўч бўлишмаса шу нарсаларга!.. Улар кўзимга бироз семириб кетаётгандай... Биз, яқиндаям майиз, ўрик қоқи, асал, шиннини ширинлик дердик. Кўнгилгаям урмайди, тангаям пойда!

— Моможон, ёшлигингизда биронта касаллик билан оғриганмисиз?

— Касал бўлиб ётганимни эслолмайман. Ҳозирам, мабода тумов-пумов деган нарса илашгудай бўлса, қоқирим билан “қувиб соламиз”. Исириқ, аччиқтош, наъматакни узмаймиз. Худога шукр, болларим ҳам худди ўзимга ўхшаган қайроқи бўлишди... Касаллик қурсин! Касалликдан гапирма, жон болам! Энди, мен сенга айтсам, ёмон касалликлар ҳам бўлган. Ўзими билганим: аксари, бойди боласи дангаса бўлса, юрагини ёғ босиб қолиб, хомсемиз дўлта, хапақон, ишёқмас-такасалтанглар чиллашур, мечал... пала-партиш, нафси ёмонлар юракбуруқ ё сўлқи бўп қолишарди...

Мухбир қиз бу номларни биринчи бор эшитаётганидан, қулоғига кирганини, “кейин билиб оламан” деб, шоша-пиша қоғозга тушириб қўя қолди.

— Раҳмат, моможон! Соғ бўлинг! Омон бўлинг! Аллоҳ ёрлақаган экансиз! Энди, Худо хоҳласа, юз бирга кирганингизда, юз кўришишга келамиз, — деб тургани ижозат сўраётганди, Сарвибуви қатъият билан:

— Йўқ! Унақаси кетмайди!.. Ўзинглар энди келдинглар. Яна бир пас ўтирасизлар, — Ҳасанбойим эшитса хафа бўлади,.. — деганча келинига буюрди:

— Умидахон! Аввал, ҳамма акаларингизни, опаларингизни чақиринг! Меҳмонлар билан эсталикка расмга тушамиз! Кейин, қўлга сув куйинг! Ош ҳам дам еб қогандир...

Оқсоқол момонинг юракдан чиқариб қилаётган таклифини қувватлаб:

— Қишлоқда бировникига келган меҳмон қуруқ чиқиб кетса, айб бўлади, — деб қўшиб қўйди.

Момонинг фарзандлари нариги ҳовлида топшириқни кутиб, одоб сақлаб турган эканлар, биргина “ҳўп” дейишлари биланоқ, чорпоя атрофини чеҳралари бир-бирига ўхшаш, катта-кичик қоракўзлар, ясаниб олган қиз-жувонлар ўраб олишди...

Шу пайт, кутилмаганда бир йигит кўча-дарвозадан чопқиллаганча, қўлида янги газета билан кириб кела бошлади...

Момога кўзи тушгач бор овозда:

— Бувижон, буви! Суюнчи беринг! Суюнчи! Сизга медал берилибди! Мана, газетада Президент фармони чиқибди! — деганча келиб момонинг қўлларини олди. Ҳамма, бирданига юз-кўзларида қувонч Сарвинисо момога қараб қолишганди...

Момо, ажин босган фариштали юзларига оқиб тушаётган қувонч ёшларини артаркан, атрофдагиларга қараб:

— Қарайлар-а! ... Юртбошимиз мениям таниркан-да!.. — дея олди холос.

Дурбек ҚЎЛДОШЕВ *1949 йилда туғилган. 1971 йилда Андижон Пахтачилик институтини тамомлаган. 2012 йилда "Кўк қарғалар қайтиб келмади" номли ҳикоялар тўплами нашр этилган.*

МУВОЗАНАТ ФАЛСАФАСИ

Истеъдодли ёзувчи Улуғбек Ҳамдамнинг янги чоп этилган “Ватан ҳақида қўшиқ” (“Академнашр” нашриёти, 2014) китоби йилнинг ижодий ютуқлари сирасида эътироф этилса, ажаб эмас. Китобга мужассамлашган уч роман ва ўн икки ҳикоя ёзувчининг чорак асрлик ижодий тажрибаси сарҳисобидек таассурот уйғотади.

Китоб “Мувозанат” романи билан бошланади. Истиқлолнинг дастлабки йилларида ёзилган ва чоп этилган бу асар орадан йиллар ўтиб, тўртинчи марта нашр этилса-да, оҳори тўкилмаган ғоявий-бадиий хусусиятлари билан ҳануз китобхонларни ўзига мафтун эта олади. “Мувозанат” сўзи романда фавқулотда кўламдорлик ва кўпмаънолилик касб этган. “Мувозанат” хусусга ҳам, умумга ҳам, шахсга ҳам, жамиятга ҳам бирдай тегишли тушунча сифатида ёритилган, ундан китобхон ёзувчи назарда тутганидан ҳам кенгроқ маъно қирралари талқинларини туйиши мумкин.

Мувозанат тўғрисидаги мунозара романнинг бош қаҳрамони Юсуф тафаккури орқали мана бундай давом эттирилади: “Энди замон ўзгарган ва унинг табиатидан келиб чиқадиган вазифа – моддият ва маънавият ўртасидаги мувозанатни ўрнатиш. ... жамиятдаги мувозанат ҳар биримизнинг ботинимиздаги моддият ва маънавият аро ўрнатилган меъёрдан бошланадиганга ўхшайди”. Ушбу мулоҳазалардан: мувозанат инсон онги ва қалбидаги моддият билан маънавиятнинг мутаносиблигидадир, деган хулоса келиб чиқади.

Асардаги яна бир талқинга кўра, маънавий бутун одамларнинг мавжудлигигина дунёни мувозанатда сақлаб туради. Агар улар ҳам маънавий барқарорликдан чекинсалар, жамият таназзулга юз тутади, олам меҳвари мувозанатини йўқотади.

Юсуфнинг навбатдаги хулосаларида эса руҳий мувозанат тушунчаси инсон ҳаёти учун энг муҳим қадриятлардан бири бўлган “хотиржамлик” ҳалқасига туташади: “Айтганларимни қисқача хулосаласам, мен шундай жамият тарафдориманки, у нима деб аталишидан қатъи назар, унда яшаётган ҳар бир киши ўзини, аввало, Инсон ўлароқ ҳис қилса, манфаатлари ҳар жиҳатдан ҳимоя этилса, туғилиш мусибат эмас, саодат бўлса, ҳаёт тирикчилик қилишдангина иборат бўлмай, бир неъматга айланса, ниҳоят, иккинчи томондан, ўша руҳий мувозанат – кўнгил хотиржамлиги бўлса!..”

Юсуф ўзини чигал вазиятларга солган ижтимоий жараёнларни, ўзининг аросатда қолган таҳликали тақдирини таҳлил этар экан, ниҳоят, мувозанат тўғрисида қатъий ва тайинли тўхтамга келади: “Демак, инсоннинг азалий хоҳиши дон ва парвозни, бошқача айтганда, модда ва руҳ ўртасида ўзаро тенг муносабат — мувозанатни яратиш экан, давлатларнинг омон ва ободлиги ҳам айни асосга таянади. Мамлакатларда эришилган мувофиқлик ўз-ўзидан заминдаги мувозанатни, мўътадил иқлимни вужудга келтиради. Бу эса Олам ва Одамнинг Олий Низом қонунларига уйғунлашаётганини англатади. Мана, башариятнинг энг улуғ вазифаси нимадан иборат!”.

Асардаги тасвирдан маълум бўладики, инсон мувозанати ўзгарувчандир. Албатта, мудом мувозанатда яшаш мазмунли ва фаровон умр натижаси бўлиб, у ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Аксарият одамлар турмуш мураккабликлари тақозоси билан гоҳо мувозанатларини йўқотадилар, муайян даврда мувозанатсизликни бошдан кечирадилар ва яна қайтиб мувозанатларини тиклашга муваффақ бўладилар. Омадсиз ва иродасиз баъзи кишилар эса мувозанатдан чиқиб кетганлари бўйича, тикланолмай, ҳалокатга маҳкум бўлишлари ҳам мумкин. Асар қаҳрамони Юсуф “бой берган ўз мувозанатини қайта қўлга киритишга умид боғлаган” некбин ва иродали шахсдир.

Асар давомида мувозанат таҳлилини кузатар эканмиз, у ҳар биримиз ўйлаганимиздан кўра ҳам мушкул муаммо эканлигига иқрор бўламиз. Севимли соҳасини тарк этиб, тижоратга ўтиб, ўзи, оиласи, қариндошлари мувозанатини бир қадар ўнглаб олган Юсуф энди асл касбига қайтиш қайғусида ўйлайди: “Агар энди у ўз ботинида мувозанатга эришмокчи бўлиб, ўзини ўйлаб тижоратни таълимга алмашса, унинг кўмаги туфайли ўз турмушларини изга солиб олаёзган, унда муайян ҳаётий меъёрга эришган яқинлари мувозанатини бузиб қўймайдими?”. Жуда қизиқ ҳаётий вазият! Вокеан, Юсуф ўзи ва яқинларини мувозанатга келтириш учун муваққат мувозанат яратган эди. Энди муқим мувозанатга қайтишни истар экан, бу билан яқинлари мувозанатини бузиб қўйишдан чўчияпти. Ҳамкасбларидан бири Юсуфга таълимни деб тижоратни тарк этиш шарт эмаслигини айтиб, таълим билан тижоратни мувофиқлаштириш, уйғунлаштириш мувозанатини маслаҳат беради. Айни пайтда, асл касбининг ёнида кичик бир бизнесни яратиб, иккаласини ҳам лиқиллатиб юрган замонамиз қаҳрамонлари ҳам йўқ эмас. Шу билан бирга, “Икки қайиқнинг бошини тутган сувга ғарқ бўлади”, деган мувозанатсизлик ҳам бор гап. Шунинг учун бўлса керак, таълим билан тижоратни мувофиқлаштириш ғояси асарда ривожлантирилмайди.

Ниҳоят, Юсуф бир муддат дўконда ишлаб ўзи ва яқинларини молиявий мувозанатга келтиргач, зоҳирий ва ботиний мувозанатга қайтади. Университетда ишлай бошлайди. Аслида, у тарихчи мутахассис эди. Университетдаги биринчи дарсини эса у мувозанат мавзусига бағишлайди. Тарихчининг фалсафий дарс ўтишини ва университет ўқув дастурларида “Мувозанат” мавзуси йўқлигини адабиётдаги шартлилик деб тушуниш мумкин. Балки ёзувчи бу долзарб ижтимоий-ҳаётий муаммо олий ўқув юртларида ўқитилиши лозим демоқчи бўлиши ҳам эҳтимол. Юсуф талабаларга мувозанатдан маъруза ўқир экан, мувозанатни вужудга келтиришнинг асосий омили маърифат эканлиги ғоясини илгари суради.



Англашиладики, мувозанатнинг бадиий-фалсафий талқини асарнинг бошдан охирги саҳифаларигача изчил давом этади. Бинобарин, асарни бадиий-фалсафий роман сифатида баҳолаш мумкин.

Роман сюжетига ўтиш даврининг мураккабликлари ва унинг жамият ҳаётига таъсири асос қилиб олинган. Сюжет марказида ёшликда бирга ўқиган ва кейинчалик учаласи уч табақага ажралиб кетган Юсуф, Саид ва Миразимлар ҳамда уларнинг оилавий яқинлари тақдири тасвири туради. Саид амалдорлик, Миразим тижорат, Юсуф эса илм-маърифат йўлидан боради.

Саид билан Миразим бир қарашда бахтлидек кўринсалар-да, турмушлари муҳаббатсиз, мол-давлатлари омонат, тақдирлари қил устида тургандек. Бироқ улар унча-мунчага осонликча синмайдилар.

Юсуф — романнинг бош қаҳрамони. Лекин у тўлақонли ижобий қаҳрамон эмас. Назаримизда, ёзувчи унинг характерини борлигича, ҳаётдагидек мавжуд мураккаблиги билан яратган. Унинг тафаккури, мушоҳадалари теран. Лекин ҳаётий ҳаракатда у жасоратли, қатъиятли, курашчан эмас. Юсуфга Саид томонидан берилган мана бу тавсифнома романдаги Юсуф табиати (характери) тасвирига тўғри келмайди: “Юсуф табиатан кучли ва қайсар одам. Талабалик вақтида ҳам, ўқитувчилик палласида ҳам ҳаммани ўзининг орқасидан эргаштириб йўлбошчи бўлиб юрган. У ҳақиқатан ҳам ишлаган жойида сояда қолиб кетмайди, балки вулқондек отилиб чиқади, зеро унда отилмоққа қодир куч ҳам, билим ҳам, жасорат ҳам топилади”. Бу шунчаки ахборот. Тавсифланган фазилатлар Юсуфнинг ҳаётий қиёфаси ва ҳаракатлари тасвирида кўринмайди. Қолаверса, бу Саиднинг тасаввури. Юсуф узоқ қаловланадиган сусткашгина эмас, баъзан ношудларча иш тутади. Ўзи мусофирчиликда минг бир азоб-уқубат кўриб, яқинлари қишлоқда кўргуликларга дучор бўлиб юрган бир пайтда, у бир муддат фирмада ишлаб анчагина пул жамғариб қўяди. Лекин ёшликдаги ўртоғи, турмуш тақозоси билан муғомбирлашиб кетган Жўрақулга осонгина миллион сўм қарз беради ва уни ҳам, бошқаларга берган қарзларини ҳам қайтариб ололмайди. Турмушнинг аччиқ-чучугини татийвериб, елкаси яғир бўлган киши ҳам шунчалик ғўр, гўл бўладими? Ёзувчи тўғри тасвирлаганидек: “Бу пулларга Юсуф қишлоқда ота-онасининг ака-укаларининг йиғилиб қолган барча катта-кичик моддий муаммоларини ҳал қилиб бериши ёки ўзига шаҳар четидан бир-икки хонали уй сотиб олиши мумкин экан. Йўқ, у буларнинг бирортасини қилолгани йўқ. Ҳатто бир соғин сигир олиб беролмади онасига”.

Роман марказида ёритилган муаммолардан бири диний эътиқодга муносабат масаласидир. Чинакам имон-эътиқод нимадан иборат ўзи? Бир қарашда жавоби осон туюладиган ушбу муаммо, аслида, жуда чигал ва мураккаб. Бу муаммонинг залвори жамият, наинки жамият, бутун дунёнинг мувозанатига таъсир этмай қолмайди. У улкан ижтимоий низолар келиб чиқишига, эр билан хотин, ота билан

Адабий жараён

бола, ака билан ука ўртасига нифоқ солиб, оилавий ва дўстона иттифоқлар барбод бўлишигача олиб келди. Романда “ислом фундаментализми” термини тилга олинмайди. Лекин бу тушунчанинг ижтимоий-маиший ҳаёт жараёнидаги хуружлари, унинг инсон қисмати ва истиқболидаги салбий оқибатлари Амир образининг қисмати мисолида бадиий тасвирланади.

Улуғбек Ҳамдам — бадиий тили ва услуби шаклланган, қалами чархланган ёзувчи. У оммабоп ширали тилда ёзади, мағзи тўқ жумлалар тузади, янги сўз ва тасвирий ифодалар қўллашга интилади. Ушбу фазилатлар унинг муваффақиятини таъминлаб турибди. Шу билан бирга, асарларида унинг тил ва услубини янада сайқал топтиришни, бадиий маҳоратини оширишни тақозо этадиган хусусиятлар ҳам йўқ эмас.

Машҳур йирик проза усталарида бадиий портрет яратиш санъати мужассам. Масалан, Ойбекнинг Навоий образи учун яратган портретидан улуғ мутафаккирнинг сиймоси — ташқи қиёфаси, юз тузилиши ва ифодаларини яққол тасаввур қиламиз. У. Ҳамдамда мана шу санъат етишмай турганга ўхшайди. Унинг бирорта адабий қаҳрамонининг сиймосини яққол акс эттирадиган портрети кўзга ташланмайди. Агар Юсуф, Зоҳро ва бошқа образлар учун портрет ижод этилса, китобхон қаҳрамонларнинг қиёфасини аниқроқ тасаввур этишига имкон пайдо бўлар эди.

Бадиий фикр ва тасвирни содда жумлаларда ифодалаш, жумлаларнинг ихчам, лўнда, равон, ўқишли, халқчил ифодаларга бой бўлиши асосий адабий фазилатлардан биридир. Негадир ушбу тамойилга зид ўлароқ, кейинги пайтда айрим ёзувчиларимизда қулочга (тўғрироғи — идрокка) сиғмас жумлалар тузишга мойиллик кузатилади. “Мувозанат” романи ҳам бундай қусурдан холи эмас. Асарнинг 87-боби (223-224-бетлар) улкан бир жумладан иборат. Бу жумла қурилишига 366 та сўз ишлатилган. Бир ярим бет ҳажмидаги бу жумлани бир нафас билан ўқиб чиқиб бўлмайди. Уни бир мартада ўқиб, тушуниб, идрок этиш қийин. Бундай жумлани унча-мунча китобхон бошлаб, охиригача ўқишга сабри чидамай, чала ташлаб ўтиб кетади.Ушбу жумла грамматикадаги гап деган тушунчанинг мезонларига сиғмайди. Ундан эга ва кесимни ажратиб топиш душвор.

Ёзувчи тил ва услубида ҳозирги нутқ маданиятимизда умумий тенденцияга айланган нуқсонлар учрайдики, улардан кўз юмиб бўлмайди. Тажрибали ёзувчи кўча тилига эргашмаслиги, аксинча, кенг оммага ўзининг тўғри ва нафис нутқ маданияти билан ибрат ва намуна кўрсатиши лозим. Кейинги пайтда зарур бўлса-бўлмаса “гарчилик” қўшимчасини қўллайвериш урф бўлмоқда. “Азагарчилик” ўрнига “азадорлик” сўзини ишлатиш қандай нафис. “Муслук” сўзи қўлланади-да, саҳифа пастида “водопровод” деб изоҳ берилади. “Муслук” сўзи қаердан келди, қайси тилдан олинган, уни тилимизга олиб кириш шартми, адабий тилимизга сингиб кетган “водопровод” сўзининг ўзини қўллайверсак, китобхонлар учун қулай эмасми? “Манзура гап оҳанги билан ҳам муҳатобига таъсир қилмоқчи бўлди”. “Муҳатоб” — нима ? Изоҳ ҳам йўқ.

Ушбу жузъий нуқсонлар замонамизнинг пешқадам ёзувчиси Улуғбек Ҳамдамнинг истеъдодига, асарларининг бадиий салмоғи ва савиясига, жуда вақтида ёзилган долзарблиги ва аҳамиятига соя сололмайди. Умуман, “Мувозанат” катта маънавий-маърифий, тарбиявий-таълимий аҳамиятга эга асардир. Назаримизда, ёзувчи ушбу роман устидаги изланишларини ҳали яна давом эттиради. Чунки романда қисман тасвирланган жараён ҳаётда ҳануз якун топмаган, давом этмоқда. Янги ҳаётий ечимлар романдаги бадиий талқинларга аниқликлар, таҳрирлар киритиши мумкин. Ёзувчининг энг катта ютуғи шундаки, у мазкур жараённи қайноқлигидаёқ қаламга олган ва чоп эттиришга муваффақ бўлган.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
филология фанлари доктори

БЕШИНЧИ САФАРНОМА

Эътироф



Истеъдодли адиб Қамчибек Кенжанинг “Буюк Соҳибқирон юрган йўлларда” номли бешинчи сафарнома китоби чоп этилди. Унинг “Ҳинд сориға”, “Андижондан Даккагача”, “Буюклар изидан”, “Андижондан Бағдодгача” деб номланган китобларида бобуршунос олим Зокиржон Машрабов раҳбарлигидаги “Бобур изидан” халқаро илмий экспедиция фаолияти, босиб ўтилган йўллар, Бобурнинг беқиёс адабий, илмий, давлатчилик соҳасидаги жаҳоншумул ишларига доир кўпгина топилмалар ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган. Бобур шахси, унинг довруғи далиллар орқали ширали тилда баён этилган.

Муаллифнинг саёҳатномалари оддий йўл очерклари эмас, балки илмий-маърифий асарлардир. Уларни Бобур ва бобурийлар ҳақидаги ажойиб, саргузашт қиссалар дейиш ҳам мумкин. Адиб илмий жамоа билан қайси мамлакат, қайси шаҳар ёки қишлоққа бормасин, ўша ернинг иқлими, табиий шароити, одамлари, тупроғи, суви, дарё ва кўллари, тарихий бинолари, урф-одатлари ҳақида тўхталади. Айниқса, замон зайли билан дунёнинг кўп жойларига сочилиб кетган буюк аждодларимиз, уларнинг тақдири ҳақидаги тафсилотлар ўқувчи диққатини тортади, ёш авлод қалбида ота-боболаримиз жасоратидан фахрланиш туйғуларини шакллантиради, Бобур шеъриятини, хусусан “Бобурнома” мемуар асарини чуқур ўрганишга чорлайди. Экспедиция жаҳондаги жуда кўп музейларда, бир қанча машҳур тарихий кутубхоналарда бўлиб, қадимги қўлёзмалардан фото нусхалар кўчириб олади ва уни асраб-авайлаб юртимизга олиб келади.

Қамчибекнинг навбатдаги “Соҳибқирон юрган йўлларда” номли бешинчи сафарномасида соҳибқирон Амир Темурнинг Олтин Ўрда хони Тўхтамишхонга қарши кураши, Дашти Қипчоқ бўйлаб, шунингдек, Кавказ орти ўлкаси, Гуржистон, Озарбойжон ерларида олиб борган адолатли юришларига оид тарих қатларида ўчмас бўлиб қолган ёдномалар, хотиралар публицистик усулда қизиқарли талқин этилади. Мазкур ўлкаларда яшаб ўтган машҳур кишилар, тарихчилар, шоир ва ёзувчилар, уларнинг ижодлари ҳақида ҳам эътиборга молик фикр-мулоҳазалар айтилади. Айниқса, машҳур авар шоири Расул Ҳамзатов яшаган ва ижод этган хонадон, шоир қўли теккан буюм-анжомлар, китоблар, қаламлар, уй ичи, ҳар бир гул, ҳар бир дарахт тасвири киши қалбини яйратади.

Қамчибек Кенжа қаламига оид сафарномаларда лирик, шунингдек, пишиқ ҳикоянавис адибнинг жозибали бадиий маҳорати намоён бўлади. Ўтган асрнинг 80-йилларида лирик шеърлари, “Балиқ ови” сингари ҳикоялари билан оғизга тушган адиб маҳорати ўтган йиллар давомида янада ошди. Адибнинг “Палахмон” романи ва “Муҳаббат бадали” китобидаги ҳикоялари адабиётимиз хазинасини ўқишли асарлар билан бойитгани шубҳасиз.

Тўлан НИЗОМ,
Ўзбекистон халқ шоири

ТИЛ ИЛМИ БИЛИМДОНИ

Ёднома

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Абдузуҳур Абдуазизов илмий қарашлари кўлами ниҳоятда кенг олим эди. У ўз илмий фаолияти давомида нафақат инглиз ва ўзбек тиллари фонетикаси ва фонологияси, балки турли тизимдаги тилларнинг фонологик ва грамматик хусусиятларини қиёсий-типологик аснода ўрганиб, йирик тадқиқотлар яратди. Олимнинг бу соҳага доир “Умумий тилшунослик”, “Инглиз тилининг назарий фонетикаси”, “Тилшуносликка кириш”, “Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси”, “Основние положения системной фонологии” каби қатор монография ва дарсликлари илм аҳлига манзур, олий ўқув юртлари учун зарурий қўлланма бўлиб келмоқда.

Профессор Абдузуҳур Абдуазизов ўзбек таржимашунослиги ва ўзбек-европа адабий алоқалари равнақига ҳам катта ҳисса қўшган фидойи олимлардан эди. Ёдимизда, ўтган асрнинг 70-80 йилларида хорижий европа тилларидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан чет тилларига таржима муаммоларига бағишланган қатор номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Рус тилида ёзилган бу тадқиқотларга илмий раҳбар бўлган Жуманиёз Шарипов, Маъсуд Расулий, Ғайбулла Саломов, Нинель Владимирова сингари йирик таржимашунослар инглиз, немис ва француз тилларини билмас эдилар. Бу кемтикни тўлдириш мақсадида, ўша пайти рус тилшунос олимлари назарига тушган, хорижий тилларнинг билимдонлари Жамолиддин Бўронов, Абдузуҳур Абдуазизов, Мухторхон Умархўжаев, Сано Саидов сингари олимлар диссертацияларга илмий маслаҳатчи ёки оппонентликка таклиф қилинарди. Ўзбек ва хорижий Европа адабиётидан яхши хабари бўлган профессор Абдузуҳур Абдуазизов ўша йиллардан таржима назарияси ва амалиёти муаммоларига бағишланган мақолалари билан вақтли матбуотда ва илмий анжуманларда фаол қатнаша бошлади. Айниқса, олимнинг ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан, ҳазрат Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросининг Ғарбий Европа ва АҚШда ўрганилиши, асарларининг инглиз тилига таржимаси тарихини ёритувчи қизиқарли мақолалари “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида мунтазам чоп этилиб келинди. Дарвоқе, домла ушбу газетада уюштирилиб туриладиган таржима назарияси ва таржима танқидига бағишланган давра суҳбатларида фаол иштирок этар, долзарб масалаларни муҳокамага олиб чиқарди. Унинг: эндиликда бадиий асарларни аслиятдан таржима қилишга асосий эътиборни қаратмоқ керак, бироқ билвосита таржима амалиётидан ҳам воз кечиб бўлмайди, деган жўяли фикрлари ҳозир ҳам долзарб.

Сўнгги йилларда устоз муҳтарам Президентимизнинг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан илҳомланиб, ўзининг “Чет тили – дунёни билиш воситаси”, “Тил билган – эл билади”, “Тил билганга дунё кенг”, “Тил билган кам бўлмайди”, “Дунёни билиш воситаси” каби мақолаларини матбуотда эълон қилди. Олим чет тилларни мукаммал ўргатиш, тил билувчи ёш таржимон кадрларни тайёрлаш зарурати хусусида илмий анжуманларда куюниб сўзларди.

Профессор Абдузуҳур Абдуазизов узоқ йиллар Ўзбекистон жаҳон тиллари ва Ўзбекистон Миллий университетларида турли лавозимларда фаолият кўрсатиб келди, малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашда астойдил хизмат қилди. Ўзбек филология фани ривожига муносиб ҳисса қўшган профессор Абдузуҳур Абдуазизовнинг порлоқ хотираси илм аҳли қалбида сақланиб қолади.

Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Журналларни варақлаганда

“ЖАҲОН АДАБИЁТИ”

2014 йил, июл ойи сони

Ҳусн аро мағлуб анга Ширину Лайли, ўйлаким,
Ишқ аро Фарҳоду Мажнун ҳам анинг шайдосиға.

Алишер Навоийнинг бу каби шоҳ байтларини журналнинг илк саҳифасида ўқийсиз.

Жаҳон адабиёти ихлосмандлари Канада адабиёти билан Франция ёки Англия адабиёти сингари яхши таниш, дея олмаймиз. Шу маънода журналнинг ушбу сонида канадалик шоир ва носирларнинг асарлари таржимаси берилгани айни муддао бўлган. Санъатшунос Нафиса Зоҳидованинг “Бағри кенг мамлакат” мақоласи Канада адабиёти, театри ва драматургияси, кино ва мусиқа санъати ҳақида муайян тасаввур беради. Канадалик адиба, Нобел мукофоти совриндори Элис Монронинг “Тақдирга таваккал” номли ҳикояси (М.Хайруллаев таржимаси), Шимолий Америка ҳиндулари ижодидан танланган халқ қўшиқлари, Полин Жонсон, Уилсон Макдональд, Жо Уоллес, Раймон Саустер, Леонард Коэн, Жо Розенблатте, Эрл Берни сингари канадалик машҳур шоирлар ижодидан намуналар (С.Жавоҳир ва Г.Бегим таржималари) бу ўлка адабиёти, айниқса, ўзига хос шеърияти билан яқиндан танишиш имконини беради.



Журналнинг ушбу сонидан қорақалпоғистонлик адиб Шарап Уснатдиновнинг Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов ҳақидаги “Шоирнинг ёшлиги” номли ҳужжатли романи эълон қилина бошланган. Мухтасар сўзбошида асар муаллифи романда 1930-1950 йилларда қорақалпоқ қишлоғида кечган воқеаларни тасвирлашга ҳаракат қилганини таъкидлайди. Романни қорақалпоқ тилидан Музаффар Аҳмад таржима қилган.

Шунингдек, ушбу сонда машҳур рус адиби Василий Шукшиннинг “Мот қилди” ҳикоясини (М.Ҳазратқулов таржимаси), Ж.Остиннинг “Андиша ва ғурур” романининг, С.Беккетнинг “Годони кутиш” ва Э.Филипионинг “Неаполь — миллионерлар шаҳри” асарларининг давомини ўқийсиз. Назар Эшонқул “Ўзини ўрганаётган одам” мақоласида С.Беккет ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз юритган. Асад Асилнинг “Олам аро чарақлаган нур”, Акбар Сабирдиновнинг “Ойбек ва Эмиль Верхарн”, Шаҳноза Назарованинг “Перпендикуляр тасаввурлар” мақолаларини ҳам журналнинг ушбу сонида ўқийсиз.

“ЁШЛИК”

2014 йил, 7-сон



“Мулоқот” рукнида берилган адабиётшунос Раҳимжон Раҳмат билан Алишер Назар суҳбатида бугунги адабий жараёнга бевосита таалуқли долзарб мавзулар муҳокама қилинган. Чунончи, бадиий ижод ва истеъдод, шоирлик маҳорати, шеър ёзишга руҳий эҳтиёж ва китобхонлик сингари масалаларда суҳбатдошлар ўзларининг фикр-мулоҳазалари, кўрган-кузатганларини баён этишган.

Таниқли шоир Фахриёрнинг шеърлари чинакам шеърият мухлислари томонидан алоҳида эътибор билан мутолаа қилинади. Журналда унинг “Юлдуз каби жимирлайди жон” деб номланган янги туркуми босилган. Шунингдек, ушбу сонда Нуруллоҳ Достон, Мадина Мўмин, Рамазон Ашур, Адиба Мейлиева шеъларидан бахраманд бўласиз.

Носирлардан Ғафур Шермуҳаммаднинг “Лангартоғ йўлида” қиссаси, Муҳаммад Шарифнинг икки ҳикояси ва олмон адибаси Маргарете Нойманнинг “Мария” асари (немис тилидан Янглиш Эгамова таржимаси) эълон қилинган. Ёш қаламкаш Байрам Алининг ҳикояси ҳам ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилган.

Таниқли шоир Салим Ашурнинг “Қанотли товушлар” мақоласида истеъдодли шоир Рустам Мусурмон ижоди таҳлил этилган бўлса, Даврон Ражаб “Сайёҳ туйғулар” тадқиқотида таниқли шоир Ўткир Раҳматнинг икки шеъри тадқиқи орқали ижодкор маҳоратини кўрсатишга уринган.

“Ёлпуғич” рукнида берилган Раҳим Фолькиннинг ҳангомаларида атоқли адиб Шукур Холмирзаев ёдга олинган.

ҚАЛБ ВА КИНО

Ёшлар ҳаёти ҳамиша кино санъатининг етакчи мавзуларидан бири бўлиб келган. Инсон умрининг энг серзавқ, ғайрату шижоат, севгию орзу-умидларга тўла даврини акс эттирувчи филмлар томошабинларни кенг жалб этиши билан аҳамиятлидир. Сўнгги йилларда экран юзини кўрган миллий филмлар мазмун-мундарижасига эътибор қаратар эканмиз, деярли барча воқеалар марказида ёшлар образи турганига гувоҳ бўламиз.

Муносабат

Улар тимсолида давр руҳиятини, асрий қадриятлар тадрижини ҳис этиш мумкин. Мамлакатимизда кечаётган янгиланишлар жараёнида ёшлар дунёқараши, маънавий-руҳий олами ҳам ўзгарди. Шунга монанд уларнинг ҳаёт тарзи, қизиқиш ва интилишлари, орзу-ўйлари янгича маъно касб этмоқда. Ёшлар оламига назар солишда, аввало, уларнинг ботиний дунёси асосий ўрин тутади. Турли ҳаётий муаммолар, жамият, атроф-муҳит ёшлар руҳиятида ўзига хос кечинмалар, фикру мулоҳазалар уйғотади.

Ёшлар мавзуси, айниқса, Зулфиқор Мусоқов, Ёлқин Тўйчиев, Аюб Шаҳобиддинов, Мирмақсуд Охунов каби режиссёрлар ижодида ёрқин акс этмоқда. Ижодкорларнинг ҳар бири ёшлар ҳаётини ўзига хос талқин этишга, долзарб муаммоларни илгари суришга ҳаракат қилишган. Муайян ижодий изланишларга қарамай, ҳозир ёшлар мавзуси кўп ҳолларда севги-муҳаббат ва маиший мавзулар доирасида чекланиб қолганини ҳам айтмай бўлмайди. Бундай бирёқлама ёндашув кўпроқ хусусий филмларга тааллуқлидир.

Режиссёр Шерзод Шоҳалилов суратга олган “Севги фариштаси” филмининг асосий ғоявий мазмунини севги ва дўстлик ришталарининг инсон ҳаётидаги ўрни ташкил этади. Бош қаҳрамон Фаррух кўпдан бери Дилнозага севги изҳор этишга ўзида журъат тополмайди. Шундай кунларнинг бирида унинг энг яқин дўсти Жасур бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлади. Воқеалар ривожи айни шу палладан бошлаб фантастик кўриниш касб этади. Дўстининг муҳаббатидан хабардор Жасур руҳ кўринишида пайдо бўлиб, қалблар бирлашувига кўмаклашади.

“Севги фариштаси”да томошабин эътиборини жалб этишга қодир сюжет топилган бўлса-да, филм етарли даражада ижтимоий юкка эга эмас. Картина қаҳрамонлари битирувчи талаба-ёшлар. Демак, улар жамиятнинг фаол ва етакчи вакиллари. Филмда эса севги-муҳаббат саргузаштларига асосий урғу берилиб, талабалик даврига хос воқеалар унутилган. Яъни уларнинг касбий фаолияти, мутахассис сифатида шаклланиш жараёни экран ортида қолиб кетади. Қаҳрамонлар гарчи битирувчи босқич бўлсалар-да, бирор марта илмий изланиш, диплом ҳимояси бўйича фикр юритиб, бу борада мулоҳаза қилишмайди. Кутубхона, талабалар турар жойи, ўқув хоналарида кечадиган саҳналарда фирибгарлик, масъулиятсизлик каби баъзи муаммолар учқун кўрсатса-да, фақат кулги уйғотиш учунгина асарга киритилгани сезилиб қолган. Тўғри, бир филм доирасида ёшлар ҳаёти билан боғлиқ барча муаммоларни қамраб олиш мушкул. Бироқ филмдаги гўзал инсоний туйғулар ёшларни юксак марраларга илҳомлантирувчи, уларга қанот бағишловчи куч сифатида ҳам талқин этилиши мумкин-ку.

Юқоридаги камчиликларни “Мен талабаман”, “Омадли йигитлар”, “Сўнгги қўнғироқ” каби филмларда ҳам кўриш мумкин. Ҳолбуки, талабалик даври инсонни катта ҳаёт сари етакловчи, жамиятда ўз ўрнини топиш, мустақил турмуш остонасига қадам қўйишда муҳим палла ҳисобланади. Ижодкорлар юмор орқали ёшлар ҳаётига, уларнинг фаолиятига янада чуқурроқ кириб боришса, томошабин кулги баробарида талабалик бахтини яна ҳам теран ҳис этган, ўзини қийнаётган талай саволларга жавоб топган бўларди. Аслида ҳаётимиздаги аксарият муаммолар илдизи ҳам беҳуда ўтган ёшлик, бесамар кетган вақт ва илмнинг тошга ўйилгандек қалбга жойланмагани натижаси эмасми?!

Қобил Каримбердиевнинг “Janob” Hot-Dogchi” филмида ҳам ёшлар ҳаётидаги баъзи муаммолар ҳақида сўз юритилади. Азиз олий маълумот олган бўлса-да ўз салоҳиятини қўйиб, “Hot-Dog” сотиш билан шуғулланади. Ана шундай оғир вазиятда Азизнинг ҳаётида маккор Дурдона пайдо бўладию, воқеалар тамоман ўзгача тус олади. У Азизнинг ҳолига “ачиниб”, бойвачча нозанинни домига илинтиришни таклиф қилади. Аввалига бундай пасткашликка қарши бўлган Азиз кўп ўйлаб ўтирмай манфаатни виждондан устун қўяди. Алал-оқибат давлатманд бир “малика” севгисини қозониб, фирма бошлиғига айланади.

Бир қарашда ёшлар ҳаёти билан боғлиқ қизиқарли, таъсирчан кино асари яратилгандек туюлиши мумкин. Аммо чуқурроқ назар ташлаган томошабин филмдаги аксарият воқеалар сунъий ва мантиқсиз сюжетларга қурилганини пайқайди. Масалан, кундалик йўлкира ҳаражатларига пул топа олмаётган Азизнинг Дурдонага икки минг “кўкат”ни ҳавола қилиши, бадавлат йигит ниқобига мос тушмаган хатти-ҳаракатлар, бойвачча хонимнинг кўз очиб юмгунча қармоққа илиниши, йигитнинг танг вазиятлардан осонликча қутулиб кетиши ўта ишонарсиз талқин этилади. Назаримизда, филмга оддий мантиқий изчиллик етишмайди. Дейлик, Азиз бирданига яхши лавозимга эришади. Кейинчалик, ўз ихтиёрига кўра ишдан бўшаса ҳам ҳалол меҳнати туфайли мавқеини қайта тиклайди. Азизнинг қандай иш юритгани, раҳбарлик лавозимига эришиш йўлидаги жараён экран ортида қолиб кетади. Ваҳоланки, касбу кор танлаб, ҳаётда ўз ўрнини топишга интилиш ёшлар ҳаётидаги муҳим босқич саналади. Баъзи кино-ижодкорлар эса айни шу долзарб масалани эътибордан четда қолдириб, саёз ва тўқима сюжетлар ортидан эргашмоқда.



Маълумки, оилапарварлик — халқимизга хос фазилатлардан бири. Бу хусусият ёшлар тарбияси ва камолотида муҳим ўрин тутади. Шу боис ёшлар ҳақидаги филмларда турмуш иллатларидан огоҳ этувчи, оила қўрғонини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ғояларни илгари суриш долзарб масала. Афсуски, юқоридаги масъулият юки яхши ҳис этилмаган, халқимизнинг азалий қадрият ва анъаналари Ғарб маданияти билан қориштирилган, ёшлар руҳиятига салбий таъсир кўрсатаётган филмлар ҳам учрамоқда. Отабек Мирзаҳоловнинг “Салом, Наташа” филмини шундай “ижод” намуналарига киритиш мумкин. Филмнинг бош қаҳрамони Умид исмли омади чопмаган, турмуши бузилган йигит. На касбу корда, на шахсий ҳаётда иши юришмаган Умид ўзини кераксиздек ҳис этади. Ўхшатмаса учратмас, деганларидек, бош қаҳрамон кунларнинг бирида ўзи каби толейи кулмаган Наташа исмли қиз билан танишиб қолади. “Салом, Наташа”нинг ёшлар ҳаётига бағишланган бошқа филмлардан фарқи шундаки, унда икки миллат вакилининг туташ тақдири акс эттирилган. Айтиш жоизки, бундай ноанъанавий сюжет орқали нафақат ёшларнинг ўзаро муносабати, балки ўзбекона анъаналарнинг қанчалик юқори мақомга эга эканини кўрсатиш мумкин эди. Лекин филмда бунинг аксини кўрамиз. Наташани ўлимдан қутқариб қолган Умид ярим кечада нотаниш қизни уйига олиб келади. Ота-онаси эса сўраб-суриштирмай қизнинг уйига совчиликка йўл олади. Ўғилнинг енгилтабиатлиги, атрофдагилар билан қўпол муомалада бўлиши ҳам бунга тўсиқ бўлолмайди. Бу воқеани кузата туриб, табиий бир савол туғилади: фарзанд ва ота-она ўртасидаги ҳурматсизлик, бекорчиликдан нарига ўтолмайдиган йигит ва қизнинг муҳаббат можаролари қандай тарбиявий ёки бадиий қимматга эга?

Юқоридаги муаммоларни “Эрка куёв”, “Севаман дедим, севаман”, “Ақл ва юрак”, “Ажаб бўлибди” сингари филмларда ҳам кўриш мумкин. Эътироз уйғотувчи асосий жиҳат шундаки, мазкур филмларда ёшлар ҳаётининг долзарб жиҳатлари четда қолиб, ҳақиқатдан йироқ, тор мазмундаги воқеалар асосий ўринга чиқади.

Ёшлар ва ўсмирлар ҳаётига бағишланган филмлар ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта “Ўзбеккино” буюртмасига кўра суратга олинаётган картиналарни ҳам унутмаслик лозим. Ҳилол Насимовнинг “Odnoklassniki.ru” филми ҳам ёшлар орасида кенг тарқалган, уларни турли номақбул йўлларга бошлаётган интернет хавфидан огоҳ этади. Воқеалар давомида бугунги куннинг муҳим масалаларига эътибор қаратилиб, айрим ёшларнинг одам савдоси ва диний экстремизм тузоғига тушиб қолиши кўрсатилади. Филмда муайян муаммолар ҳақида сўз юритилган бўлишига қарамай, уларни келтириб чиқараётган омилларнинг асл сабаби тўла очилмаган. Бугунги кунда интернет тизимидаги айрим ижтимоий тармоқлар терроризм, ақидапарастлик ғояларини тарғиб қилиш воситасига айлангани сир эмас. Аммо бу масаланинг бир томони холос. Иккинчи ва муҳим жиҳат, ёшларнинг нима сабабдан бузғунчи ғояларга алданиб қолаётгани, буни келтириб чиқараётган ижтимоий-психологик муаммолар. Эҳтимол, ёшлар оилада яқин сирдош тополмай, четдан дўст излаётгандир, ёки томошабинларни ўзига жалб қилувчи асосий жиҳатлардан бири ҳам айни ёшлар қалбида қуртак ёзган самимий севги қиссасидир. Бироқ бир қарашда севги замирига қурилган филм воқеалари мобайнида ижодкорлар асосий урғуни ёшлар ҳаёти билан боғлиқ оғриқли ва долзарб муаммоларга қаратади. Турмуш қийинчиликларию ичкиликка берилган ота сабаб юзага келадиган жанжалларнинг ўспирин Ҳамдам руҳиятига таъсири, ота хиёнати туфайли Бахтиёрнинг бахтли кунларига соя солган аламлар, севги ва ғурур йўлида пасткашлар тузоғига учраган Жавоҳирнинг озодликдан маҳрум этилиши, ҳаётга қалб кўзи билан боқувчи Хуршиднинг кинорежиссёр отаси фаолиятидаги зиддиятлар ҳар қандай томошабинни мулоҳазага чорлаши аниқ. Филм қаҳрамонлари мисолида ўз ёшлигимизга кўзгу тутгандек бўламиз. Қаршимизда реал ҳаётий воқеалар гавдаланиб, кинотасмаларда ёшлик йилларининг беғубор лаҳзалари жонланади. Ўзбек кино санъати ҳозиргача “Осмондаги болалар” каби бадиий-ғоявий жиҳатдан пишиқ, томошабин кўнглига йўл топа оладиган филмлар бор экан, демак, ёшлар мавзуига мурожаат қилишни мақсад қилган ижодкорлар, албатта, уларнинг тажрибасидан фойдаланиши зарур.

Ёшларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўринлари бениҳоя катта. Кино асарлар орқали уларнинг бугунги интилишлари, улкан мақсадларга эришиш йўлидаги меҳнатлари, келажакка бўлган юксак ишонч ва дарду ўйлари ёритиб борилса, нафақат ёш томошабин, балки ота-оналар кўз олдида ҳам қатор муаммолар ечимини топган бўлар эди. Бунда чет эл филмларига тақлид қилиш шарт эмас, аксинча, ўз турмуш ҳаётимиздаги содда ва самимий, ёшларга дилдош бўла оладиган воқеаларни тасвирга олиш лозим. Киноижодкорлар кўпроқ бадиий адабиёт намуналарига мурожаат қилиб, чинакам қалам соҳиблари билан ҳамкорлик қилишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, бундай ҳамкорлик нафақат кино санъатимиз ривожига, балки ёшлар маънавий-руҳий оламига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Азиз МАТЁҚУБОВ

ИСТЕЪДОДЛАР МАСКАНИ

Республика эстрада-цирк коллежи миллий маданиятимиз ва санъатимиз ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган энг кекса ўқув даргоҳларидан бири. Мустақиллик йилларида ўқув бинолари замон талаблари асосида таъмирланиб, талабалар учун кўплаб қулайликлар яратилди. Янги ўқув йили арафасида коллеж раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Карима Зарипова билан билим юртининг бугунги фаолияти, жамоа олдидаги вазифалар ҳақида суҳбатлашдик.



Мулоқот

— Каримахон, аввало, коллеж фаолиятининг асоси бўлган цирк санъатининг ўзига хосликлари, ўқув даргоҳининг бугунги қиёфаси, мустақиллик йилларидаги ўзгаришлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Маълумки, коллежимиз асосан цирк мутахассислари тайёрлашга ихтисослашган. Цирк энг томошавий санъат турларидан бўлиб, уни барча ёшдагилар бирдек қизиқиш билан томоша қилади. Айни пайтда, цирк бошқа санъат турларидан мураккаблиги ва жисмоний тайёргарликка боғлиқлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга цирк артисти ўз соҳасининг барча қонун-қоидаларини чуқур ўзлаштирган ҳолда актёрлик, рақс, қўшиқ ва созандалик санъати сирларини ҳам билиши шарт.

Ўзбек цирк санъатининг дарғалари Раҳмон Абдухалилов, Тошкенбой Эгамбердиев, Карим Зарипов санъатнинг кўп турларини яхши ўзлаштирган ниҳоятда моҳир санъаткор бўлганлар. Шу кунларда ҳам жаҳон маданий ҳаётида ўзбек цирк санъати ва унинг моҳир усталарининг ўз ўрни бор. Хорижда ноёб истеъдодга эга бўлган ёш цирк усталарини яхши биладилар. Бизнинг коллежимизни тугатган ака-ука Наврўз ва Жонибек Омоновлар, Анвар Бекжонов, Комилла Фофурова, Александра Биховская, Ксения Токарева, Хожиакбар Акбаров каби цирк усталари Хитой, Англия, АҚШ, Россия, Корея, Франция, Ҳиндистон каби давлатларда ўзбек цирк санъати анъаналари ва ютуқларини намойиш этмоқдалар. Талабаларимизнинг маҳоратини кўрган чет эллик мутахассислар устоз ўқитувчиларимизни “маҳорат дарслари” ўтишга таклиф қилмоқда.

Шубҳасиз, бундай ютуқлар жамоамизни изланишга, бутун куч-ғайратини талабаларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашга сафарбар этади. Жамоанинг яхши ишлаши, талабаларнинг яхши билим олиши учун коллежимизда барча шарт-шароитлар мавжуд. Айниқса мустақиллик йилларида коллежимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Мутахассислар тайёрлаш учун давлатимиз томонидан жуда катта амалий ёрдам кўрсатилди. Қўшимча ўқув биносига эга бўлганимиз туфайли талабалар билан амалий машғулот олиб бориш учун зарур шарт-шароитлар вужудга келди. Коллежимиз замон талабига жавоб берувчи ўқув қўлланмалари ва техник воситалар билан таъминланди. “Цирк санъати”, “Эстрада актёрлик санъати”, “Эстрада хонандалиги”, “Замонавий рақс”, “Эстрада чолғулари” бўлимлари фаолияти янада жонланади.

— Бўлимларнинг номларидан маълумки, коллежда санъатнинг бошқа йўналишлари ҳам чуқур ўргатилади. Шу ҳақда кенгроқ тўхталсангиз.

— Коллежимиз нафақат ўзбек цирк санъати, балки актёрлик ва эстрада санъати ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Масалан, актёрлик бўлимини олайлик. Шу йили мазкур бўлим ўқитувчи-мураббийлари битирувчи талабалар билан Уилям Шекспирнинг “Ричард III”, Ғафур Ғуломнинг “Шум бола”, Саид Аҳмаднинг “Куёв” асарларини саҳналаштирдилар. Шахсан ўзим “Ричард III” ни катта қизиқиш билан томоша қилдим. Қўйилган асарлар, хусусан, талабаларимиз маҳорати ҳақида Ўзбекистон ёшлар театрининг бадиий раҳбари, режиссёр Наби Абдураҳмонов илиқ фикр билдирди. Эстрада хонандалиги ва эстрада чолғулари бўлимлари битирув имтиҳонлари ёшларнинг овоз имкониятлари, соз чалиш маҳоратлари юқори эканини кўрсатди. Талабаларимиз қўшиқнинг ёшлар маънавиятидаги ўрнини яхши тушунадилар. Шунинг учун улар мумтоз шеъриятни, миллий мусиқа санъатини чуқур ўрганишга ҳаракат қилиб, устозлари билан жиддий изланиш олиб боряптилар. Эстрада рақси бўлимини битирган талабалар юртимизнинг турли рақс жамоаларида фаолият олиб боришмоқда. Ўнга яқин битирувчимиз эса Миллий рақс ва хореография олий мактабида ўқишни давом эттирмоқда.

Бугун коллежимизда беш юзга яқин талаба таҳсил олади. Ҳар йили 110-120 мутахассис битириб чиқади. Улар миллий эстрада-цирк санъатимиз ривожига баракали ҳисса қўшмоқдалар. Бунда, албатта, Ойдин Тошкенбоева, Улуғбек Зарипов, Холмурод Каракулов, Юнус Тўраев, Шароф Ғафуров, Алишер Расулов, Галина Шувалова, Дамира Сагирова каби устозларнинг хизмати катта.

— Янги ўқув йили бошланишига саноқли кунлар қолди. Талабаларни қандай янгиликлар кутяпти? Режалар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Янги ўқув йилида талабалар маҳорати ва билимини ошириш учун йилнинг энг яхши хонандаси, актёри, созандаси, раққосаси, цирк санъатининг энг истеъдодли ёш юлдузлари кўрик-танловларини ўтказишни режалаштиряпмиз. Ёшларнинг билими ва тафаккурини бойитиш мақсадида фестивал ҳам ўтказамиз. Сентябр ойидан бошлаб ҳар ойда икки марта Ўзбекистоннинг таниқли санъат усталари томонидан “Маҳорат дарслари”ни ўтказилади. Умуман, режаларимиз кўп. Янги ўқув йили янги истеъдодларни кашф этади, деган умиддамиз.

Фурсатдан фойдаланиб халқимизни, маданият ва санъат аҳлини мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами билан табриклайман. Юртимиз янада гуллаб-яшнайверсин, осмонимиз узра ҳумо қушлари парвоз этаверсин.

Аҳмаджон РАҲИМОВ суҳбатлашди.

ИЛИНЖ ДАРАХТИ

Кўргазма залларида

Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музейида “Соғлом бола йили” муносабати билан истеъдодли мусаввира Шаҳло Қурбоновининг “Илинж дарахти” номли кўргазмаси очилди. Экспозициядан муаллифнинг графика ва рангтасвирга доир етмишдан зиёд ижод намуналари ўрин олган. Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан Бадиий академия раиси, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нуриддинов Шаҳло Қурбоновани Бадиий ижодкорлар уюшмасига аъзо бўлгани билан самимий қутлади ва келгуси ижодига омад тилади.

Шаҳлонинг композициялари жуда аниқ, ихчам ва пухта тузилган, ортиқча унсурлар учрамайди. У табиат шайдоси. Парвоздаги қушлар, капалаклар, ранг-баранг гуллар асарларида ўзига хос ечим топган. “Илинж дарахти”, “Қалдирғочлар рақси”, “Парвоздаги қушлар”, “Йиғлаётган қушлар”, “Қисмати азал”, “Аёл ҳаёти” каби композициялари томошабинларни мушоҳадага чорлаши табиий. Сурхон воҳасининг қадимги этнографияси акс этган “Каштадўзлар”, “Созандалар”, “Раққосалар” каби полотнолар барчага манзур бўлди.

— Ижод қалбимда кечаётган ҳис-туйғуларимнинг акси, — дейди Шаҳло. — Баъзида кўзимни юмганимда ўйлаган композициямни аниқ кўраман ва дарҳол қоғозга тушираман. Баъзи асарларим устида эса кўп вақт изланаман.

Мусаввира асли тарихий либослар рассоми бўлгани учун ҳам, асарлари қаҳрамонларини кўпроқ тарихий либосларда тасвирлайди. Унинг туғилиб-ўсган жойи — Сурхон воҳасига меҳри “Сурхондарёнинг қадимги оҳанглари” триптихида намоён бўлган. Мазкур кўргазма санъат мухлисларининг ҳақиқий байрамига айланди.

Сарвара ҚОСИМОВА

БИР АСР САРҲИСОБИ

Ўзбек Миллий академик драма театрининг тарихи, аввало, ўзбек саҳна санъатининг тараққиёт йўлидир. Шу боис Президентимизнинг Миллий театрнинг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори юртимиз маданий ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири сифатида кутиб олинди. Ҳозирги кунда ушбу қарор муносабати билан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбектеатр” ижодий бирлашмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида катта ишлар олиб борилмоқда.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида таниқли театр ижодкорлари, соҳа мутахассислари иштирокида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Миллий театрнинг халқимиз бой маданий меросини асраб-авайлаш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топтириш борасида тутган ўрни ҳақида сўз юритилди. “Ўзбектеатр” ижодий бирлашмаси раҳбари Валижон Умаров Миллий театрнинг бир асрлик тўйини муносиб ўтказиш борасидаги тайёргарликлар ҳақида батафсил маълумот берди. Айни пайтда театр биносини таъмирлаш жараёни давом этаётир. Томоша саҳнасини энг замонавий техник анжомлар билан таъминлаш, репетиция хоналарини қайта жиҳозлаш, томошабинлар учун қулай шароит яратиш каби кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда таниқли театр актёрларининг портретларини яратиш, театрнинг шонли тарихи, мустақиллик йилларидаги фаолияти ҳақида ҳужжатли филм суратга олиш деярли якунига етган. Бундан ташқари, юбилей арафасида “Ўзбекистон театр санъати: тарих, тараққиёт ва истиқбол” мавзуида илмий-амалий анжуман ташкил этиш, ўзбек, инглиз ва рус тилларида тайёрланган “Ўзбек Миллий академик драма театри” китоб-албомининг тақдимотини ўтказиш режалаштирилган.

Матбуот анжумани давомида Миллий театрнинг янги мавсумдаги репертуари, премьераси режалаштирилаётган спектакллар, мамлакатимиз вилоятлари бўйлаб ўтказиладиган ижодий сафарлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

“ОҲАНГЛАР РАНГИ”

Ватан — бу буюк сўз,
Ҳар бир ҳарфини
Ҳижжалаб ўқисанг бўлгайсан обод.
Даставвал вафо қил,
Бўлгин жону кўз,
Токи сен тириксан,
Токи сен ҳаёт.

Она юрт шаъни шарафланган ушбу мисралар яқинда “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририятида чоп этилган таниқли шоир Ўткир Раҳматнинг “Оҳанглар ранги” номли шеърлари ва достони жамланган китобидан.

Китобдан яхши дўст бўлмас

Ушбу сайланмадан ижодкорнинг кейинги йилларда чоп этилган “Кўзим қорачуғи”, “Юракдаги қуш”, “Хоксор майса” ва “Ўтли руҳ” китобларига кирган сара шеърларидан намуналар, янги шеърлари ва драматик достони ўрин олган.

Китоб якунида берилган “Ҳайратга йўғрилган кунларим” сарлавҳали дил изҳорида шоир ўз ижодий тақдирини Ватанимиз мустақиллиги билан боғлаб шундай ёзади: “Бахтим истиқлол даврида гулга кирди. Саодатим — истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида халққа озми-кўпми хизмат қилганим.



Бинобарин, шеърий китобларим ҳам истиқлол туфайли дунё юзини кўрди”.

Дарҳақиқат, ижодкорнинг “Оҳанглар ранги” китобига кирган шеърлари барчаси истиқлол йилларида битилган. Озодлик нашидасидан баҳра олган шоир кўнгил қушига бу улуғ неъматдан илҳомланиб қанотига куч-қувват берган ҳурриятни алқаб сайрашга даъват этади:

О, кўксимда сайраган қушча,
Бор овоз-ла куйлагин энди.
Парвозингга туғилган имкон,
Тўр қафасинг батамом синди...
Қанотингнинг кучи — озодлик,
Булутларни тўзғитиб юбор.
Уфқларда биз истар манзил,
Қуёшли юрт ҳарорати бу.

Тўпламдаги лирик шеърларда қалб тубида кечаётган соҳир туйғулар теварак-атрофда рўй бераётган ўсиш-ўзгаришлар, табиат унсурлари, манзаралари билан ғоятда мувофиқ тарзда, оҳанг ва ранглар уйғунлигида тасвирланади. Бундай тасвирлар кунда кўриб кўз кўникқан нарса-ҳодисаларнинг ботиний моҳиятини, нозик гўзалликларини шеърхон учун кашф этиб, таъсирчан лавҳаларда кўрсатиб беради.

Қ.Қаюмов муҳаррирлигида чоп этилган ушбу сайланма сизни майин оҳанглар ва турфа ранглар дунёсига етаклайди, қалбингизга нур ва сурур олиб киради.



Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДИБЛАРИ ҲАЁТИДАН

Роулинг хонимнинг янги китоби

Гарри Поттер ҳақидаги еттита китоб муаллифи, инглиз адибаси Жоан Кэтлин Роулинг криминал мавзудаги учинчи детектив асари бўладиган янги романини ёзмоқда. Муаллиф тўртинчи асарнинг сюжети устида ҳам иш олиб бораётганини айтган. «Harrogate» деб номланган жиноий ишлар мавзусидаги адабиётлар фестивалидаги чиқишида маълум қилганидек, Жоан Роулинг хоним Гарри Поттерда бўлганидек, криминал жанрда фақат еттита китоб ёзиш билангина кифояланмоқчи эмас.

Детектив асарларини Роберт Гэлбрейт тахаллуси билан нашр эттираётган Жоан Роулинг «Менга бу жанрда китоб ёзиш жуда ёқиб қолди, дарвоқе, ёзадиган китобларим сони ҳам еттидан ошса керак. Негаки, ҳали тасаввуримдаги сюжетлар бутунлай тамом бўлган эмас», деган. Гарри Поттер ҳақидаги романида бўлганидек, адибанинг янги асарларида ҳам уларни бирлаштириб турувчи ягона қаҳрамон бўлиши кўзда тутилган. Гарчи, Жоан Роулинг янги асари ҳақида тўкис маълумот бермаган бўлса-да, асар қаҳрамонларидан бири ҳарбий соҳага алоқадор бўлишини айтган.

Адиба 1967 йил 28 июнда Буюк Британиянинг Глостершир графлигидаги Йейт шаҳарчасида туғилган. У беш ёшида болалар китобларининг деярли барчасини ёд олган, олти ёшида эса «Қуёнча» номли қуён саргузаштлари ҳақидаги илк ҳикоясини онасига кўрсатган. Девон шаҳридаги Экстер университетида ўқиб, санъат бакалаври бўлгач, Форкс, Манчестер шаҳарларига боради, кўп ишларнинг бошини тутади. Португалияда тушдан кейин ва оқшомлари мактабда сабоқ бериб, эрталаблари асар ёзиш билан машғул бўлади.

Ҳали номи ҳеч кимга маълум бўлмаган бошловчи адиба Португалиядан Эдинбургга кўчиб келиб, бутунлай бадиий ижодга шўнғийди. «Гарри Поттер ва фалсафий тош» романи 1997 йил июн ойида босилиб чиқиши биланоқ шов-шув билан кутиб олинади ва Буюк Британияда йилнинг энг яхши болалар китоби, деб эътироф этилади. Адиба биринчи романидан сўнг бирин-кетин «Гарри Поттер ва яширин хона» (1988), «Гарри Поттер ва Азкабана тутқуни» (1999), «Гарри Поттер ва Олов Кубоги» (2000), «Гарри Поттер ва Қақнус Ордени» (2003), «Гарри Поттер ва зоти чала шаҳзода» (2005) каби романлар ёзади. Шу туркумни якунловчи «Гарри Поттер ва ўлим туҳфалари» романи 2007 йили Буюк Британия, АҚШ ва бошқа мамлакатларнинг дўконларида сотила бошлаган. Бу асарлар дунёдаги олтмишдан ортиқ халқларнинг тилига таржима қилинган ва улар асосида кинофилмлар ишланган. Адибанинг сотиб олинган китоблари умумий сони 250 млн. нусхадан ошади. 2004 йилдан буён Жоан Роулинг Буюк Британиядаги энг бой аёл ҳисобланади. 2008 йили «Forbes» журнали унинг бойлигини 1 млрд. долларга баҳолаган.

Жоан Роулинг хоним жуда кўплаб халқаро адабий мукофотлар совриндори. 2000 йили Британия империяси ордени билан мукофотланган.

«Саъва» романи экранга кўчади

Америкалик адиба Донна Тартт «Саъва» романи учун 2013 йили нуфузли Пулитцер мукофотига сазовор бўлган эди. Асар қаҳрамони ёш йигит Тео Деккер Метрополитен музейида юз берган портлаш чоғида Рембрандт шогирди мўйқаламига мансуб машҳур «Саъва» картинасини ўғирлаш билан қаноатланмай шу ердаги малласоч қизалоққа ҳам қизиқиб қолади. Орадан ўн тўрт йил ўтгач, у ўша нотаниш қизни топишга ҳаракат қилади, бироқ ўғирланган асарни ахтараётган Интерпол бунга халақит бериши аниқ. Роман сюжети ёш ўсмирнинг ҳаёт саргузаштлари асосига қурилган. «Warner Bros» ва «RatPac Entertainment» кино компаниялари, ниҳоят, асарни экранлаштириш ҳуқуқини қўлга киритди. Бу роман Донна Тарттнинг экранлаштириш ҳуқуқи сотилган иккинчи китоби. Узоқ давом этган музокаралардан сўнг Нина Жейкобсон ва Бретт Рэтнер картина продюсерлигини қабул қилишди. Нина Жейкобсон «Очликдан чиққан ўйин» картинаси учун «BAFTA» мукофотига сазовор бўлган. Бретт Рэтнер эса «Геракл» ҳамда «Гномлар қасоси» каби сўнгги филмлари билан машҳур. 1992 йили Донна Тарттнинг бестселлерга айланган «Яширин тарих» китоби ҳам «Warner Bros» компанияси томонидан экранлаштирилган.

«Элжернон учун гуллар»

1958 йили нашр этилган «Элжернон учун гуллар» илмий-фантастик романи муаллифи Дэниел Киз 87 ёшида оламдан ўтди. 1927 йили Нью-Йоркда таваллуд топган ёзувчи Бруклин коллежида таҳсил олиб, 17 ёшида ҳарбий ҳаво кучлари хизматига киради. Шундан сўнг ўқишни давом эттириб, руҳиятшунослик бакалаври даражасига эришади. Дэниел Киз бадиий ижод билан шуғулланиб, айни чоғда, мактаб ва университетда сабоқ беради, журналистлик қилади. Интеллектни яхшилашга доир илмий тажрибада иштирок этган ақлий жиҳатдан қолоқ пол ювувчи ҳақидаги «Элжернон учун гуллар» романи адибга катта шуҳрат келтиради. Дэниел Киз бу асар учун 1966 йили Америка фантаст адиблар ассоциацияси таъсис этган «Небьюла» мукофотига сазовор бўлган.

ЯНГИ ЗИЁ МАСКАНЛАРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида “Ижод” китоб дўкони ва янги кутубхона очилди.





Зиё масканининг очилишига бағишланган тадбирда атоқли шоир ва адиблар, адабиётшунос олимлар, ёш ижодкорлар ва адабиёт мухлислари иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али тадбирда сўзга чиқиб, бугунги кунда ижод аҳлига кўрсатилаётган ғамхўрлик, уларнинг машаққатли ва шарафли меҳнати учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида тўхталиб ўтди. Чунончи, ёзувчиларни моддий ҳамда маънавий томондан қўллаб-қувватлаш, юксак савияли бадиий асарлар ёзиш учун мақбул шароит ва имкониятлар яратиб бериш, кекса ижодкорларга ёрдам кўрсатиш, ёш ижодкорларнинг илк китобларини давлат ҳисобидан нашр этиш каби ва бошқа кўп қутлуғ вазифалар мунтазам амалга ошириб борилмоқда. Бугунги кунда Ёзувчилар уюшмасининг поликлиникаси, “Дўрмон” ижод уйи тўла таъмирланган ҳолда ижод аҳли учун беминнат хизмат қилмоқда. Ана шундай эзгу тадбирлар қаторида Ёзувчилар уюшмаси қошида “Ижод” китоб дўкони ва янги кутубхонанинг очилиши ҳам маънавий ҳаётимиздаги ўзига хос воқеа бўлди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Шуҳрат Ризаев ва бошқалар ушбу китоб дўкони нафақат китоблар савдоси учун, балки, янги асарлар муҳокамаси, ёзувчи ва шоирлар билан ижодий мулоқотлар, давра суҳбатлари уюштириш учун қулай маърифат маскани бўлиб қолишини таъкидлашди. “Ижод” китоб дўконининг яна бир ўзига хослиги — бу ерда нашриётлардан тўғридан-тўғри янги китоблар келтирилиши туфайли, нархларнинг анча арзон эканлигидир.

Уюшма қошидаги қарийб ўн мингта китоб фондига эга янги кутубхонанинг бойлигидан уюшма ходимлари билан бирга ўқитувчилар, олий ва ўрта махсус таълим даргоҳлари талаба-ўқувчилари, умуман, адабиёт мухлислари ҳам фойдалана оладилар.

Ахборот хизмати.

Огоҳлик

ЁНҒИНДАН САҚЛАНИНГ!

Юртимиз фуқароларини ҳамда давлат мулкини асраб-авайлаш, турли тажовузлар ва офатлардан ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Айниқса, олов — “тилсиз ёв”нинг вайронакор кучи ҳалигача тўла жиловланган эмас. Айни ёнғинлар сабабли ҳар йили дунё бўйлаб минглаб одамлар бошпанасиз қолади, кўплар саломатлигидан айрилади, бировлар ҳаётдан бевақт кўз юмади. Ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилотлар биноларида содир бўладиган ёнғинлар эса кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар етказиб, шу орқали иқтисодиётга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Кўпчилик текширувлар натижасида шу нарсага амин бўлинмоқдаки, уй бекалари хоналарни иситиш мақсадида табиий газда ишлайдиган ошхона газ плиталарини ёқиб қўйиш орқали иситишмоқда. Айниқса, кечаси ёқилган ҳолда қолдирилган газ плитаси бу ўт олишига асосий сабаб бўлади.

Ана шундай кўнгилсизликларга йўл қўймаслик учун ҳар биримиз ёнғинга қарши ва унинг олдини олиш учун фаол кураш олиб боришимиз зарур. Хусусан, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари оловни жиловлаш юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Улар фуқароларимизга ёнғинларнинг келиб чиқишида кишиларнинг бепарволиги асосий сабаб бўлаётганини, лоқайдлик сабаб уй-жойлар куйиб кулга айланаётганини мисоллар ёрдамида тушунтириб бермоқдалар.

М.РИСБЕКОВ,
Ёнғин хавфсизлиги кичик инспектори

Эълон

Тошкент Давлат мусиқали комедия (оперетта) театри ёшидан қатъий назар юқори малакали, меҳнат стажига эга бўлган концертмейстерларни (фортепиано) ҳамда овоз режиссёрини ишга таклиф этади.

Манзил: Чилонзор тумани Чўпонота кўчаси «Ц» мавзеси. Тел: 277-11-34, 277-86-11 (+998 90) 376-73-49.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Абдулла Қаҳҳор номидаги Республика Сатира театри жамоаси актёр О.Ражабқуловга отаси

Раҳмонали РАЖАБҚУЛОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Ярашевага онаси

Саодат МАМАТҚУЛОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз: info@uzas.uz, uzas@mcs.uz
Котибият — 233-49-93

Таниқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир Сирожиддин САЙИИД

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Азиз ИМОМОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.18

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4741 Буюртма Г — 858. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2181-614X